Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 118 (20. 685) • 1990 йил 24 май, пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

«Фотоконкурс—90»

ЧЎПОН. Г. Графкин.

Ўзбекистон Компартияси XXII съезди олдидан

Съезд минбарига

ҚАЙТА ТИКЛАШ ЗАРУР

⊙ Бунга ўттиз йил бўлди. Ҳар бир колхозда қурилиш бригадаси бўлиб, уй-жой ва бошқа иморатлар қурилиши билан шуғулланарди. Олтмишинчи йилларда бу бригадаларни йириклаштириш бошланди. Олтмиш тўртинчи йилдан районларда колхозлараро қурилиш бошқармалари ва вилоят колхоз қурилиши трестлари тузилди.

Шу муносабат билан қишлоқ қурилиши кенг авж ола бошлади. Бунда район, вилоят ва жумҳурият колхоз қурилиши идоралари қошида тузилган колхозлараро қурилиш кенгашлари катта роль ўйнади. Бу кенгашларга пайчи колхозлар аъзо бўлдилар. Улар ўзларининг йиллик аъзолик бадаллари билан колхоз қурилиши ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ҳиссаларини қўшдилар. Ҳатто, колхозлар транспорт воситалари, қурилиш техникаси, ишчи кучи ва қишлоқ усталари билан ёрдам бердилар.

Мен 35 йил Ленин районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Правда Востока», «Ўзбекистон» колхозларига раислик қилдим ва кўп йиллар давомида колхозлараро қурилиш кенгашлари ишида район, вилоят Советларининг аъзоси сифатида иштирок этдим. 1985 йилга қадар ўтган давр колхоз қурилишининг ниҳоятда ривожланган, камол топган даври бўлди. Шу даврда биргина «Правда Востока» колхозида 7 та 320 ўриндан тортиб 834 ўринга мўлжалланган мактаб, 11 та 50 ўриндан тортиб 280 ўринга мўлжалланган болалар боғчаси, 150 ўринли марказий касалхона, 4 та қишлоқ врачлик амбулаторияси ва 1500 оила учун турар жойлар бунёд этилди. Бундан ташқари, ҳар бири 400 бошга мўлжалланган 2 та молхона, марказий спорт комплекси, ҳар бири 500 тоннага мўлжалланган 4 та омборхона, барча қулайликларга эга бўлган 6 та дала шийпони, автогараж, колхоз правлениесининг биноси ва колхоз музейи қуриб фойдаланишга топширилди.

1985 йилга келиб, колхозлараро қурилиш трести вилоятда ўзининг йирик моддий-техника базасига ҳамда ёрдамчи ишлаб чиқариш комплексига эга бўлди. Йилига 38—40 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарадиган бўлиб қолди. Трест колхозларгагина эмас, балки вилоят шаҳарларини ободонлаштиришга, енгил, озиқ-овқат саноатини барпо этиш ҳамда уни ривожлантиришга ҳам катта ҳисса қўшди.

Колхоз қурилишини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун Андижон вилоят колхоз қурилиши трести 1971 йилда Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди. Колхоз қурилишини авж олдиришда жумҳурият Вазирлар Кенгаши қошида тузилган давлат-кооператив «Ўзколхозқурилиш» бирлашмаси катта роль ўйнади. Бу бирлашма вилоятлардаги трестларни қурилиш материаллари билан таъминлаш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, район, вилоят Советлари ишини такомиллаштириш, қурилиш-монтаж ишларининг ҳажмини ошириб боришда катта ташкилотчилик кўрсатди. Андижон шаҳрида, Ленин ва Пахтаобод районларида ёғочни қайта ишлаш комбинати, темир-бетон конструкциялари ишлаб чиқариш заводи, 3 та ғишт заводи, аглопорит заводи ҳамда колхозлараро қурилиш ташкилотларини қурилиш материаллари билан комплектлаш базалари вужудга келдики, бу ташкилотлар ҳозирги кунда бутун жумҳурият колхоз қурилиши корхоналарига хизмат кўрсатмоқдалар.

Ўша йилларда хўжалигимиз каби йирик колхозлар ҳар йили капитал қурилишга 1 миллиондан ортиқ маблағ ажратиб катта қурилиш ишларини бажардилар. Район, вилоят, жумҳурият колхозлараро қурилиш ташкилотлари барпо этилган давридан бошлаб хўжалик ҳисобида ишладилар, давлатдан қарз олмадилар ва ниҳоят олган фойда ва иқтисод қилинган материаллар ҳисобидан колхозларга болалар муассасалари, турар жой бинолари қурилишининг харажатларини 10 фоизга арзонлаштириб бердилар. Қолган маблағ қурилиш базаларини мустаҳкамлашга, қурувчиларнинг социал талабларини қондиришга сарф қилинди.

1985 йили Колхоз қурилиши бирлашмаси ва Қишлоқ қурилиши вазирлиги ягона ташкилот «Ўзагроқурилиш» бирлашмасига бирлаштирилди. Шундан кейин колхоз қурилишига катта путур етди. Менимча, бу жумҳуриятимизда ўтказилган ўринсиз ислоҳотлардан бири бўлди. Илгари колхозларда йилига қўплаб турар жой, маданий-маиший, маориф бинолари қурилган бўлса, 1985 йилдан кейин уларнинг сони кескин камайиб кетди. Бундай ҳолат бизнинг колхозимизда ҳам рўй берди. Кейинги беш йилда 834 ўринли мактаб, 1 та 280 ўринли боғча, 1 та қишлоқ врачлик амбулаторияси ва 4 та маданий-маиший бино қурилди, холос. Уй-жой қурилиши ҳам кескин камайди. Бундан ташқари, қурилиш ташкилотлари олган фойданинг кўп қисмини молия органлари ва «Ўзагроқурилиш» бирлашмаси олиб қўймоқда, ўзларининг эҳтиёжлари учун эса жуда оз миқдорда қолмоқда.

Ўзни, шуни айтиб ўтиш керакки, қишлоқларда аҳолига оммавий ер участкалари берилиши муносабати билан қишлоқ қурилиш ташкилотларига бўлган талаб ортиб бораяпти. Хўжалигимизда ҳам 1300 кишига ер участкалари берилди. Агар мактаб, боғча ва бошқа бинолар қурилиши эътиборга олинса вазифалар кўлами янада ошади. Бундай муаммолар жумҳуриятимизнинг барча колхозларида мавжуддир.

Шунинг учун ҳам жумҳуриятимизда «Ўзколхозқурилиш» бирлашмасини қайта тиклаш зарурати туғилди. Уни жумҳурият Вазирлар Кенгаши қошидаги давлат кооператив бирлашмаси тарзида тиклаш зарур. Чунки, колхоз қурилиши чинакам давлат иши бўлиб Вазирлар Кенгашининг доимо диққат марказида туриши лозим. Яна шу нарсани эътиборга олиш керакки, «Ўзагроқурилиш» бирлашмасининг йиллик қурилиш ҳажми ҳозирги кунда 1 миллиардан ортиб кетди. Натижада бу йирик комплексни бошқариш йилдан йилга қийинлашиб бормоқда. Бу ҳақда жумҳурият Олий Совети сессияси минбаридан ҳам ўринли таклифлар тушганини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

З. СОБИРОВ,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Иттифоқ аҳамиятига молик пенсионер, Ленин районидаги «Правда Востока» колхозининг собиқ раиси.

ПИШЛОҚ ЦЕХИ

● Уйчи районидаги Қизилравот қишлоғида пишлоқ ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди.

— Янги цехни қуриш учун деярли маблағ сарфламадик, — дейди цех бошлиғи Икромжон Раҳмонов. — Бўшаб қолган новвойхонани ижарага олдик. Район матлубот жамияти раҳбарлари билан маслаҳатлашиб, маҳаллий манбалар ҳисобига шароитимизда камёб бўлган пишлоқ тайёрлашни йўлга қўйдик. Зарур автомат ускуналарни Украина ССРнинг Черкасск шаҳридан 40 минг сўмга сотиб олдик.

Ҳозир цехда 8 киши меҳнат қиляпти. Бу ерда иш бошдан охиригача чиқинди-сиз маҳсулот тайёрлашга мўлжалланган. Оператор Р. Бобожонов, маҳсулотни буғловчи-пиширувчи М. Қозоқова, слесарь М. Холиқов ва зардоб тайёрловчи Р. Қодировалар қисқа муддатда пишлоқ тайёрлаш йўлларини пухта ўзлаштириб олдилар.

Цех қуввати унчалик катта эмас. Лекин шунга қарамай бу ерда ҳар сменада 500-600 килограмм тотли маҳсулот ишлаб чиқариляпти. Цех коллективи келгусида қўшимча дастгоҳлар ўрнатиб, маҳсулот тайёрлаш ҳажмини икки баробар оширишни кўзда тутяпти.

О. ЖУМАНАЗАРОВ,
Наманган области.

• Биринчи саҳифага хат

ЯРОҚСИЗГА ЧИҚИШ ХАВФИ

ЕКИ БАҒДОД УН КОМБИНАТИ ҚУРИЛИШИГА КЕЛТИРИЛГАН ҚИММАТБАҲО УСКУНАЛАР ТЎРТ ЙИЛДАН БУЁН ЎРНАТИЛМАЕТГАНЛИГИ ХУСУСИДА

Ҳозирги даврнинг муҳим талабларидан бири зиммага олинган вазифани ўз вақтида бажаришдан иборат. Афсуски, бу оддий ҳақиқатни тушуниб етмаётганлар оз бўлса-да, орамизда учраб туради. Келинг, яхшиси бир бошдан бошлайлик.

Фарғонадаги 14-қурилиш трести коллективи Бағдод ноҳиясидаги Сариқўрғон массивида ун комбинати қуриб беришни ўз зиммасига олган эди. Ҳатто «қисқа муддатларда тугаллаймиз», дея ваъда ҳам берилганди. Лекин минг афсуски, ваъда ваъдалигича қолди. 1986 йил декабрида бошланган завод қурилиши «туя гўшти еб» чўзилгандан-чўзилди.

Ноҳия меҳнаткашлари мазкур объект тезроқ битиб, ишга тушишидан умидвор бўлиб ўтиришибди. Негаки, завод ишга тушса, аҳоли учун тақчил бўлиб турган олий ва биринчи нав ун маҳсулотлари, чорва учун омухта ем ишлаб чиқариш масаласи ҳал бўлади. Энг муҳими эса, ноҳиядаги ишсиз юрган кўпгина ёшлар иш билан таъминланади.

Бетга айтганнинг заҳри йўқ. Ошқоралик даври сансалорликни ёқтирмайди. Бош пудратчи ташкилот 14-қурилиш трести раҳбарлари юқори ташкилотлар олдига бепарволик билан «қурилишни норматив муддатларда фойдаланишга топширишнинг иложи йўқ» деб асоссиз баҳоналар кўяётганлигини ҳамда объектдаги тегирмонни 1991 йилга, омухта ем заводи қурилишини эса 1992 йилда тугаллашни мўлжаллаётганликларини қандай изоҳлаш мумкин? Ваҳолонки, комбинатнинг биринчи навбати 1990 йилнинг тўртинчи кварталида ишга туширилиши, бу комплексда тегирмондан ташқари 18 минг тонналик элеватор ва бир кеча-кундузда 780 минг куб оқава сувларни тозалайдиган иншоотлар қуриб битказилиши лозим эди.

Ун комбинати қурилиши умумий қиймати лойиҳада 19 миллион 717 минг сўм қилиб белгиланган. Объектнинг биринчи навбати ишга тушгач, йилига 13 миллион сўмлик, иккинчи навбати фойдаланишга топширилгандан кейин эса 8 миллион сўмлик, жами 21 миллион сўмлик истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш мўлжалланганди. Бироқ кўзланган режани амалга ошириш қийин бўлиб қолди.

Хўш, қурилиш нега ўлдажўлда? Бунинг асосий сабаблари нимада? Мазкур саволга 14-қурилиш трести раҳбарлари елка қисиб, «айб бизда эмас, айб таъминотчиларда» дея жавоб беришмоқда. Тўғри, аввало объектга зарур қурилиш материаллари ўз вақтида етказиб берилаётгани йўқ. Бунга таъминотчи ташкилотлар айбдор. Лекин айбнинг ҳаммасини улар бўйнига қўйиб бўлмайди. Негаки, пудратчи ташкилот бор имкониятлардан тўлалигича фойдаланганлиги йўқ. Масалан, ўтган тўрт йил ичида қурилиш-монтаж ишларига 9 миллион 450 минг сўм (бу умумий қийматнинг қарийб 50 фоизи холос) ажратилган бўлса, шундан эндигина 7 миллион 500 минг сўми сарфланди.

— Қурилишда ўзгариш бўлмаяпти, — дейди буюртмачи ташкилот — дон маҳсулотлари комбинати директори Ҳ. Муллаев. — Биз шартномадаги ўзимизга тегишли бўлган барча вазифаларни бажариб келяпмиз. Афсуски, пудратчи ташкилотда бунинг акси бўляпти.

Мазкур объект қурилиши ўта мураккаб инженерлик иншоотларидан иборат. Шунинг учун лойиҳада белгиланган қурилиш буюмлари технология асосида мустаҳкам қилиб ўрнатилиши керак. Бунинг учун Иттифоқимизнинг турли шаҳарларидан қимматбаҳо ускуналар келтирилган. Ачинарлиси шундаки 1,8 миллион сўмлик бу ускуналар тўрт йилдан буён ишлатилмай очиқ майдонда бекор ётибди. Натижада мазкур жиҳозлар ўз қийматини йўқотиб, яроқсизга чиқиш хавфи остида турибди.

Кези келганда шуни айтиб ўтайлик: ҳар бир ерда кишилар меҳнатига эътибор, инсонларга ғамхўрлик биринчи ўринга қўйилсагина юксак меҳнат унумдорлиги ҳақида гапириш мумкин. Афсуски, қурилиш объектида ишчи-хизматчиларга яратилган маданий-маиший шароит мутлақо талаблар даражасида эмас. Қурувчиларнинг овқатланиши, дам олиши ва бошқа қулайликларга эга бўлиши ҳақида трест раҳбарлари бош қотиришмаяпти. Шу боис ҳам ишчилар қўнимсизлиги давом этиб келяпти. Бу эса ўз навбатида қурилиш сифати ва муддатига салбий таъсир кўрсатяпти.

Хуллас, трест раҳбарлари ўз вазифаларига совуққонлик билан қараб келмоқдалар. Натижада бағдодликлар учун жуда зарур бўлган ун комбинати қурилиши чўзилиб кетмоқда. Қурилишнинг ҳозирги аҳволи шундан далолат бериб турибдики, ишлар жадаллаштирилмаса объектни икки босқичда — 1990 ва 1991 йилларда битказиб, ишга тушириб юборишнинг иложи йўқ.

Мутасадди ташкилот — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигидаги масъул ўртоқлар мазкур қурилишга эътиборни қаратишлари, 14-қурилиш трести иш фаолиятини жонлантиришлари лозим. Негаки, комбинатнинг тезроқ ишга тушишини бутун ноҳия ва вилоят меҳнаткашлари умид билан кутиб турибдилар.

Қ. ХОЛБЕКОВ,
М. ШАРИПОВ,
Фарғона области.

СССР Олий Советида

⊙ СССР ОЛИЙ СОВЕТИ «СССР ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ШАНИ ВА ҚАДР-ҚИММАТИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ СССР ҚОНУНИ ВА ШУ ҚОНУННИ ҚЎЛЛАНИШ ҲАМДА КУЧГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

СССР Олий Совети Совет давлатининг бошлиғи бўлмиш СССР Президентининг шани ва қадр-қимматига зиён етказилишига йўл қўйиш мумкин эмас, деб ҳисоблаб, СССР Президентини ҳалойиқ ўртасида ҳақоратлаш ёки унга туҳмат қилиш уч минг сўмгача жарима солиш билан ёки икки йилгача муддатга ахлоқ тузатиш ишларига ёхуд уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилиш билан жазоланади, деб белгилаб қўйди.

Матбуотдан ёки бошқа оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиб қилинган мана шундай ҳаракатлар икки йилгача муддатга ахлоқ тузатиш ишларига ёки олти йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этиш билан жазоланади.

СССР Президентини ҳақоратлайдиган ёки унинг шанига туҳмат қилинган материални эълон қилган оммавий ахборот воситасига, суднинг қарорига биноан, йигирма беш минг сўмгача миқдорда жарима солинади.

СССР Президентини ҳақоратлайдиган ёки унинг шанига туҳмат қилинган материалларни такрорий тарқатган оммавий ахборот воситаларининг фаолияти суднинг қарорига биноан тўхтатиб қўйилиши мумкин.

Ушбу Қонунни қўлланиш ва кучга киритиш тартиби тўғрисидаги қарорда у эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киради, деб кўрсатилган.

Президентнинг шани ва қадр-қимматини ножўя тарзда қасддан камситиш СССР Президентини халойиқ ўртасида ҳақоратлашдир, деб изоҳ берилган.

СССР Президентини бадном қиладиган ғирт ёлғон уйдирмаларни тарқатиш унга туҳмат қилиш деб ҳисобланади.

Совет давлатининг бошлиғи — СССР Президентининг фаолияти тўғрисида, шунингдек унинг раҳбарлигида ўтказилаётган сиёсат ҳақида танқидий мулоҳазалар айтилган ошкора чиқишларга нисбатан «СССР Президентининг шани ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги СССР Қонуни қўлланилмайди.

«СССР Президентининг шани ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги СССР Қонунида кўзда тутилган ишлар юзасидан дастлабки терговни прокуратура идораларининг терговчилари ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг жиноий-процессуал қонунларида кўзда тутилган тартибда ўтказадилар, деб белгилаб қўйилади.

СССР Президентини ҳақоратлайдиган ёки унинг шанига туҳмат қилинган материалларни эълон қилган оммавий ахборот воситалари ёки уларнинг бўлинмалари (радио, телекўрсатув программалари ва бошқалар) СССР Президентини ҳақоратлашга ёки унга туҳмат қилишга йўл қўйган аниқ шахс (шахслар)га нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирганидан кейин жавобгарликка тортилиши мумкин.

Иттифоқдош республикаларнинг Олий Советларига иттифоқдош республикаларнинг қонунларини мазкур Қонунга мувофиқ ҳолга келтириш тавсия этилди.

* * *

СССР Олий Совети СССР Президентини таъминлаш, унга хизмат қилиш ва уни муҳофаза этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг СССР Конституциясида белгиланган ваколатлари самарали амалга оширилиши мақсадида СССР Олий Совети СССР Президентининг қуйидаги давлат таъминоти ва хизматини белгилади:

Солиқ солинадиган ойига 4 минг сўм миқдорида иш ҳақи;

СССР Президенти лавозимида турган даврида — Москва областида ва Қримда боргоҳ, Москвада хизмат хонадони;

Махсус жиҳозланган самолётлар ва вертолётлар;

Махсус вазифалар учун автомобиль транспорти;

СССР Давлат хавфсизлиги комитети зиммасига юклатиладиган муҳофаза.

СССР Президентининг мамлакат ичкарисидаги ва чет давлатларга борган вақтдаги ваколатлик мақсадларига қилинадиган харажатлар ҳамма қабул этган халқаро нормалар доирасида СССР давлат бюджети томонидан қопланади.

СССР Президентининг рафиқаси ва оиласини муҳофаза қилиш ҳамда уларга транспорт хизматини СССР Давлат хавфсизлиги комитети таъминлайди.

СССР Президенти истеъфога чиққанидан кейин умрбод:

— Ойига 1 минг 500 сўм миқдорида пенсия тайинланади; зарур хизмат, муҳофаза, транспорт таъминоти билан давлат боғ ҳовлиси берилади.

1991 йилдан бошлаб СССР давлат бюджетида СССР Президентининг фаолиятини пул билан таъминлашга тааллуқли махсус модда кўзда тутилади, деб белгиланди.

СССР Олий Советининг Қонуни ва қарори «СССР халқ депутатлари Съезди ва СССР Олий Советининг ахборотномасида» эълон қилинади.

Йўловчига кафолат

⊙ Кундалик ҳаётимизда ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар талайгина. Шулардан бири — аҳолига аэрофлот хизматини яхшилаш масаласи.

Очиғи, бу ҳақда марказий ва республика матбуотида жуда кўп чиқишлар қилинди. Афсуски, тармоқда деярли ўзгариш бўлмади. Хўш, аҳволни яхшилаш мумкинми? Ҳа, мумкин! Шу ўринда баъзи мулоҳазаларимни ўртоқлашмоқчи эдим.

Менимча, жумҳурият аҳолисига аэрофлот хизматини яхшилаш учун, аввало, билет сотиш системасини тубдан қайта қуриш керак. Бунинг учун биринчи навбатда Тошкент шаҳар марказий авиакассасида (бунни жумҳуриятимиз ҳамма авиакассаларида ташкил қилиш қийин бўлишини ҳисобга олган ҳолда Тошкент шаҳар марказий авиакассасида тажриба тариқасида ўтказиш мумкин) бир кунда учадиган ҳамма самолёт рейслари учун аҳолига сотиладиган билетлар миқдорини аниқлаш лозим. Иккинчидан, ушбу марказий авиакассада билетни бир ой олдин сотиш тартибини бекор қилиб, фақат ўн кун олдин сотиш тартибини жорий қилиш ва бунда ҳар бир рейс учун сотиладиган билет миқдори ўн кун ичида тенг тақсимланишини таъминлаш керак. Учинчидан, ҳар куни самолёт қатнови бўлган шаҳарларга бўш ўринлар миқдорини ўн кунлик давомида кўрсатиб қўйиб, тегишли мутасаддилар имзоси билан бундай қатновлар рўйхатини эълон қилиш лозим. Тўртинчидан, йўловчиларнинг навбат рўйхатини ташкил қилиш зарур. Бу ерда авиакасса ходимларининг асосий вазифаси аниқланган бўш ўринларга навбатда турганларга рўйхат бўйича билет сотишни таъминлашдан иборат.

Ушбу ҳолда йўловчларнинг қимматли вақти тежалиб, хоҳлаган йўналиш бўйича ҳеч қийналмасдан билет олиш имконияти пайдо бўлади. Бунда йўловчидан фақат бир нарса талаб этилади: учмоқчи бўлган кундан 10 кун олдин авиакассага келиб рўйхатга ёзилади ва айтилган кунда билетни сотиб олади. Масалан, фараз қилайлик, сиз ўн кун олдин Москва шаҳрига билет олиш учун 200-бўлиб рўйхатга ёзилдингиз. Агар ҳар куни Москвага 1200 киши учадиган ва билетларнинг 30 фоизини марказий авиакасса орқали сотиб, ўн кун давомида тенг тақсимлаган, яъни бир кунда 36 тадан билет сотилган бўлса, демак сиз рўйхатга ёзилганингиздан 6 кун ўтгандан кейин белгиланган учиш куни учун билет сотиб олиш имкониятига эга бўласиз.

Хуллас, ишни шундай ташкил қилиш керакки, бундан йўловчи ҳам, авиакасса ходими ҳам манфаатдор бўлсин. Бунинг учун авиакасса ходимини ойлик маошидан ташқари рағбатлантириш лозим. Рағбатлантириш фондини эса билетларни сотишдаги мавжуд бўлган комиссион чиқимни 0,5 сўмдан 0,8 ёки 1 сўмгача кўтариш йўли билан ҳосил қилиш мумкин. Агар бир ой мобайнида биргина ходим хизмат вазифасини уч марта суиистеъмол қилса, касса ходимларининг ҳаммасини ойлик рағбатлантиришдан маҳрум қилиш керак.

Хўш бундай усул қандай афзалликларга эга? Биринчидан, авиакассада эрталабдан кечгача бекорга навбатда туриш ва билет тополмай асабингиз бузилишидан ҳоли бўласиз. Муҳими, билет олишга тўла кафолатингиз бўлади. Иккинчидан эса, авиакасса ходимларининг бир-бирига бўлган масъулияти ортиб, рағбатлантириш туфайли аҳолига намунали хизмат кўрсатишга интилиш кучаяди.

Юқоридаги таклифни мутасадди ўртоқлар, жумладан Тошкент аэрофлоти ходимлари муфассал ўрганиб чиқиб, тегишли хулосаларини билдиришса, мақсадга мувофиқ бўлур эди. Эндиликда бу масалаларни кенг жамоатчилик талаб ва истакларини ҳисобга олган ҳолда тезроқ амалга ошириш зарур. Ўйлайманки, аҳолига барча соҳаларда намунали хизмат кўрсатиш муаммоларига Ўзбекистон Компартияси XXII съездида ҳам алоҳида эътибор берилади.

А. ЙУЛДОШЕВ,
техника фанлари номзоди.

ТАРТИБГА СОЛИНАДИГАН БОЗОР ЙЎЛИДА

22 май куни Кремлда СССР Президенти М. С. Горбачев раислигида СССР Федерация кенгаши билан Президентлик Кенгашининг навбатдаги қўшма мажлиси бўлди. Федерация кенгаши билан Президентлик Кенгашининг бундан аввалги қўшма мажлисларидаги муҳокама вақтида айтилган мулоҳаза ва таклифларни эътиборга олиб, ҳукумат томонидан тайёрланган тартибга солинувчи бозор иқтисодиётига ўтишнинг аниқланган концепцияси мажлис қатнашчилари муҳокамасига тақдим этилди.

СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР Госплани раиси Ю. Д. Маслюковнинг маърузасида қайд этилганидек, аҳолининг ижтимоий ҳимояланиши, меҳнатга қизиқишни кучайтириш системасини ишлаб чиқиш, тартибга солинувчи бозор иқтисодиётига ўтиш босқичларини янада аниқроқ белгилаб қўйиш, халқ хўжалигининг айрим секторларида шу жараённинг боришини мувофиқлаштириб туриш ва бозор муносабатларига ўтишнинг турли нусхалари шароитларида иқтисодиётнинг ривожланишини тахминан чамалаш — концепцияни пухта ишлаб чиқишнинг бош йўналиши бўлди.

Мажлисда сўзга чиққан Федерация кенгаши ва Президентлик Кенгаши аъзолари Н. А. Назарбоев, В. А. Ярин, Г. Г. Гумбаридзе, Г. И. Ревенко, Э. А. Шеварднадзе, В. И. Болдин,

(Давоми иккинчи бетда).

КПСС Марказий Комитети Мафкура комиссиясининг мажлиси

КПСС Марказий Комитети Мафкура комиссиясининг 21 май куни Москвада бўлиб ўтган мажлиси КПСС нинг ҳозирги шароитдаги маданий сиёсати долзарб масалаларига бағишланди. Мажлисда мафкуравий муассасаларнинг раҳбарлари, олимлар, маданият арбоблари, партия ходимлари қатнашдилар.

Қайта қуриш фалсафаси ва тажрибаси КПССнинг маданий сиёсатини тубдан янгилашни, маданият масалаларини партия фаолиятининг олдинги маррасига чиқариб қўйишни қатъиян талаб қилди, деди мажлисни очиб комиссия раиси, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, партия Марказий Комитетининг котиби В. А. Медведев. Қайта қуришнинг дастлабки босқичидаёқ мамлакатдаги ижодий фикрга эрк бериб, уни қулф урдиришга, ижтимоий онгда илғор силжишлар учун уфқ очишга, жамоатчиликни маданият соҳасида йиғилиб қолган муаммоларни бемалол муҳокама қилишга қизиқтиришга муваффақ бўлинди, деб таъкидлади у.

СССРдаги маданий турмуш янада жўшқин, хилма-хил, изчил бўлиб қолди. Маданият соҳасидаги ташаббуслар ва ҳаракатлар кучайиб бормоқда. Зиёлилар жамиятда муносиб ўрин олди. Зиёлиларнинг ижодий фаолияти эрклигини таъминлаш йўлида муҳим қадамлар қўйилди. Матбуот, телекўрсатув, нашриётчилик иши демократиялашиб бораётганлиги, ижодий уюшмаларнинг ҳақиқий мустақиллиги бунинг ёнига қўшилмоқда. Адибларнинг, санъат усталарининг, ижтимоий фанлар олимларининг фаолияти ҳозир тобора кўпроқ даражада уларнинг маънавияти ва гражданлик виждони билан белгиланмоқда, деса бўлади.

Жамиятнинг турмушимиз барча соҳаларини инсонпарварлаштиришнинг, ўз ижодий имкониятларини ва маънавий соғломлашувини оширишнинг бош омили бўлмиш маданиятнинг устун аҳамиятини англаб олишида ҳам силжиш рўй бермоқда.

Бироқ буларнинг ҳаммаси бизда маданият муаммолари, ижод эркинлиги муаммолари ҳал этилган, деган маънони билдирмайди. Бу муаммоларни ҳал қилиш йўлида ҳали бир талай маъмурий тўғаноқлар, эскирган одатлар, сийқа фикрлар турибди. Маданият муҳитининг ўзидаги гуруҳбозлик, тоқатсизлик, ўта кетган худбинлик кўринишлари ҳам бу эркинликни бўғиб турибди. Молиявий ва моддий негизнинг ночорлиги — қоғоз, техника воситалари етишмаслиги, меҳнат ҳақи даражасининг пастлиги ва шу кабилар бу соҳадаги ўзгартишларни жуда чегаралаб қўймоқда. Маданиятни ривожлантиришни тартибга солувчи ҳуқуқий омиллар ҳали ҳам йўқ.

КПСС XXVIII съезди арафасида бу жараёнларнинг ҳаммасини атрофлича идрок этиш керак ва шу асосда КПССнинг янги маданий сиёсати янада чуқурроқ асослаб берилиши лозим.

Мажлисда маданий сиёсат муаммолари юзасидан батафсил фикрлашиб олинди. Мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгартишлар дастурларида маданиятнинг амалий устунлигини таъминлашга, маданиятга қолдиқ принципи асосида ёндашишни узил-кесил тугатишга катта эътибор берилди. Маданият соҳасини тартибга солинувчи бозор иқтисодиётига ўтиш сабабли эҳтимол тутилган салбий таъсирлардан ҳимоя қилиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чоратадбирлар зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Жамият маданий тараққиётининг ҳозирги тенденциялари хусусидаги фикрлар, мамлакатимизда маданиятнинг ва маданият арбобининг мақомини ошириш, бошланғич мактабдан тортиб, олий ўқув юртларигача таълимнинг барча бўғинларини инсонпарварлаштириш, СССР халқлари суверенитетининг шартларидан бири бўлмиш уларнинг миллий-маданий муҳторияти муаммолари хусусида мажлис қатнашчилари қизғин баҳслашдилар.

Мунозара иштирокчилари совет маданияти тарихини холисона ва атрофлича баҳолаш тўғрисидаги, аҳоли барча ижтимоий гуруҳларининг маданий бойликлардан амалда фойдаланишини ва уларнинг амалий фаолиятини таъминлаш йўллари ҳақида, КПССнинг, давлатнинг, жамоат ташкилотларининг маданият соҳасидаги вазифаларини фарқлаш тўғрисидаги масалаларни ўртага кўндаланг қилиб қўйдилар.

Ижтимоий фанларнинг ҳолати ва муаммолари, миллий тиллар ҳамда миллатлараро алоқа тили муаммолари, кўп жиҳатдан маҳрум бўлиб қолинган миллий топоним фондлари — жойлар, шаҳарлар, кўчалар, корхоналар ва шу кабиларнинг номларини тиклашнинг назарий ва амалий масалалари каби муаммолар доираси теварагида ҳам мажлис қатнашчилари қизғин мунозара қилдилар.

Мафкура билан маданиятнинг нисбати тўғрисидаги масала инсонпарвар ва демократик социализм партияси бўлмиш КПСС учун жуда муҳим аҳамиятга эга эканлиги мажлисда таъкидлаб ўтилди. Маданиятдан ташқари мафкура бўлмайди. Жаҳон маданиятининг бутун тарихи бундан далолат беради.

Жамоатчилик, меҳнаткашлар ўқувчини, томошабинни, тингловчини баъзи нашрларга, экранга, эстрадага ёпирилиб кираётган учига чиққан одобсизликдан, тажовузкорликдан, зўрликдан, пасткашликдан ҳимоя қилиш масаласини қатъият билан ўртага қўймоқдалар. Биз ташқаридан маданий жараёнларга маъмурий йўл билан аралашишга қаршимиз, улар устидан сиёсий ва мафкуравий назоратга қаршимиз.

Мунозарада СССР маданият министри Н. Н. Губенко, Совет маданият фонди правлениесининг раиси академик Д. С. Лихачев, СССР Давлат халқ таълими комитетининг раиси Г. А. Ягодин, «Советская культура» газетасининг бош муҳаррири А. А. Беляев, КПСС Марказий Комитети Мафкура бўлимининг мудири А. С. Капто, Президентлик Кенгашининг аъзоси ёзувчи В. Г. Распутин, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти В. Н. Кудрявцев, СССР Давлат академиясининг президенти Б. С. Угаров, РСФСР Министрлар Кенгаши Раисининг ўринбосари В. Г. Захаров, СССР Олий Совети Миллатлар Совети маданиятни ривожлантириш масалалари комиссияси раисининг ўринбосарлари О. В. Чернишев ва С. Г. Шувалов, СССР Ёзувчилар уюшмаси ҳайъатининг биринчи котиби В. В. Карпов, «Учительская газета»синнинг бош муҳаррири Г. Н. Селезнев, СССР Министрлар Кенгаши маданият ва таълим бўлимининг мудири А. Н. Медведев, СССР Бастакорлар уюшмаси ҳайъатининг биринчи котиби Т. Н. Хренников, филология фанлари доктори В. П. Нерознак, СССР Олий Совети фан, халқ таълими, маданият ва тарбия комитети раисининг ўринбосари, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Н. В. Карлов қатнашдилар.

Муҳокамани В. А. Медведев якунлади.

Бўлиб ўтган мажлис материаллари «Советская культура» газетасида эълон қилинади.

(ТАСС).

ТАРТИБГА СОЛИНАДИГАН БОЗОР ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

А. Н. Яковлев, Е. М. Примаков, В. А. Крючков, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари В. В. Никитин, П. И. Мостовой, СССР молия министри В. С. Павлов, СССР давлат комитетларининг раислари В. К. Сенчагов, В. И. Шчербаков, ВЦСПС раиси Г. И. Янаев мамлакатнинг айрим республика ва регионлари бозор иқтисодиётига ўтиш ҳаракатини бир хил илк шароитлардан бошламаётганликларини тўла-тўкис эътиборга олиш, бозор муносабатлари жорий этилишининг аҳоли турли тоифалари аҳволига эҳтимол тутилган таъсирини пухта чамалаш, хўжаликнинг айрим тармоқларини қайта қуриш ва янгилаш манфаатлари йўлида ташқи иқтисодий алоқалардан тўлиқроқ фойдаланиш зарурлиги ҳақида гапирдилар.

Муҳокама қатнашчилари айниқса аҳолининг кам даромадли табақаларига нисбатан ижтимоий кафолатларга қатъий риоя этиб, тартибга солинувчи бозор иқтисодиёти сари қатъият билан ҳаракат қилиш, соҳибкорлик фаолияти ва хўжалик юритишнинг янги усуллари учун имконият очиб бериш зарурлигини таъкидладилар. Мунозара иштирокчилари айниқса ҳар хил турдаги моллар ва хизматларнинг нархлари даражасига ва нисбатига тааллуқли бўлажак ислоҳотларнинг барча энг муҳим масалалари жамоатчилик ўртасида муҳокама қилиниши, халқ билан маслаҳатлашилиши лозим, деган фикрга келдилар, халқ бозор иқтисодиётига ўтишнинг принципиал масаласи юзасидан ҳам, шунингдек бундай ўтишнинг ҳар хил нуқталари юзасидан ҳам ўз фикрини билдириш имкониятига эга бўлиши керак. Шу туб масала юзасидан бутун халқ бир фикрга келган тақдирдагина иқтисодиётни режалаштирилаётганидек қайта қуриш мумкин.

Мажлисда СССР Президенти М. С. Горбачев нутқ сўзлади.

Ҳукумат ишлаб чиққан концепция СССР Олий Советининг муҳокамасига қўйилади.

(ТАСС).



РЕКОНСТРУКЦИЯЛАШ ШАРОФАТИ

⊙ Чапдаги суратда кўриб турганингиз — Италиядан келтирилган тўқув дастгоҳлари. Шу дастгоҳлар кўмагида Ватанимизда ишлаб чиқарилган кимёвий қўшимча билан калава ипдан трикотаж газлама ҳосил қилинди. Бундай газламадан янги хил маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилди. Ўнгдаги суратда фабриканинг ишчан тўқувчи-мотористкаси Татьяна Васюнина билан муҳандис-конструктор Инобат Ҳасанова янги маҳсулотларни кўздан кечиришаётир.

Самарқанд трикотажчилари фабрикани реконструкциялаш туфайли маҳсулот хилини янгилаб бориш ва буюмлар сифатини яхшилашга эришмоқдалар. Корхонада ёшларнинг эндигина урф бўлган спорт кийимларидан 50 турини кўплаб ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Хориждан келтирилган ускуналар газламага турли-туман гул босиб тайёрлаш имконини берди.

Бундай буюмларнинг дастлабки туркуми сотувга чиқарилди. Жумҳурият «Олмос» бирлашмаси билан маҳсулотни валютага пуллаш юзасидан шартнома тузилди. Ишлаб топилган валюта корхонани янги ускуналар билан жиҳозлашга сарф этилади.

Х. ЖЎРАЕВ,
Р. ҒАФУРОВ (ЎзТАГ)
суратлари.

МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

ЯНГИ ТИКУВЧИЛИК ЦЕХИ

⊙ Конимех районидаги ёшлар маркази ташаббуси билан Воронеж шаҳрининг «Работница» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси филиали ишга туширилди. Ҳозир мазкур филиалда 160 нафар хотин-қиз икки сменада меҳнат қиляпти.

Воронежлик мутахассислар Конимехдаги ўз филиалларига 5 та 1022 типидаги, 9 та 97—А типидаги, 12 та махсус тикув машиналари ҳамда бошқа жиҳозлар ўрнатиб беришди.

— Бундай тикувчилик цехининг очилиши биз, ёшлар учун қувончли воқеа бўлди, — дейди ёш тикувчи қиз Меҳри Назарова. — Негаки, кўпгина ишсиз юрган уй бекалари, хотин-қизлар янги иш жойлари билан таъминланишди.

М. АДИЗОВА,
Бухоро области.

ХОРИЖ БИЛАН АЛОҚА

● Қўқондаги «Электромаш» заводи ишлаб чиқараётган маҳсулотлар биргина Иттифоқимиз корхоналаригагина эмас, балки чет эл мамлакатлари буюртмачиларига ҳам етказиб берилмоқда.

Заводда тайёрланаётган пайвандлаш трансформаторларининг қарийб 80 фоизи хорижий мамлакатларга жўнатиляпти. Жумладан, ўтган йили Вьетнам, Ливия, Сурия, Никарагуа сингари давлатларга ТДМ—165, ТДМ—254, ТДМ—31712 маркали бир қанча трансформатор ускуналари юборилди.

Бу йилдан бошлаб корхона мутлақо янги турдаги машиналар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Эндиликда бу замонавий пайвандлаш трансформаторларига бўлган талаб ҳам ортди.

У. МУҲАМЕДОВ,
Фарғона области.

ОЛИМЛАР УЧРАШУВИ

Фарғонада СССР Давлат халқ таълими комитети билан СССР Фанлар академиясининг «Зарар етказмайдиган назорат ва диагностика» муаммосига оид илмий-мувофиқлаштирувчи кенгаш секциясининг кўчма мажлиси тугади. Мажлисда Москва, Киев, Фрунзе, Томск, Саратов ва мамлакат бошқа шаҳарларининг олимлари қатнашдилар.

Маҳсулот сифатини ва пишиқ-пухталигини оширишни, моддий ва меҳнат ресурсларини тежашни, ишлаб чиқариш ва технология жараёнларини кўп марталаб кучайтиришни таъминлайдиган назорат ва диагностика системаларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни кўплаб ишлаб чиқаришни ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди.

Беш кунлик учрашув Фарғона политехника институтида бўлиб ўтди. Бу ерда техника фанлари доктори, профессор М. Муҳиддинов раҳбарлигида барпо этилган илмий мактаб оптик-электрон қурилмаларни ишлаб чиқиш ва уларни саноатга, қишлоқ хўжалигига жорий этиш билан шуғулланмоқда. Шу қурилмаларнинг кўплари Ҳиндистон, Япония, Хитой ва бошқа мамлакатлардаги халқаро кўргазмаларда муваффақиятли равишда намойиш этилди.

(ЎзТАГ).

ДАСТЛАБКИ АТАМАЛАР ТАСДИҚЛАНДИ

Ўзбек тилига давлат мақоми берилиши муносабати билан тилимизнинг турли соҳаларида, айниқса унинг атамалари хусусида матбуот саҳифаларида, телевидение ва радио эшиттиришларида қизғин баҳслар бўлмоқда. Бунинг натижасида атамаларнинг турли-туман муқобиллари топилиб, газета ва журналларда, радио ва телеэшиттиришларда кенг қўлланилмоқда, шунингдек матбуот саҳифаларида махсус равишда ташкил этилган атамалар бурчагида ҳам кўплаб атама муқобиллари тавсия этиляпти.

Янги атамаларни ва уларнинг синонимларини тўғри танлаб, ўринли ишлатиш масаласида тилшунос олимларимиз, ёзувчиларимиз, журналистларимиз, илм-фаннинг турли соҳаларида ишлаётган мутахассисларимиз катта ёрдам бермоқдалар. Лекин, афсуски, ҳозирги пайтда матбуот саҳифаларида атамаларнинг турлича қўлланилаётганлигига дуч келяпмиз. Бу, бир томондан, тилимиз бойлигини кўрсатса, иккинчи томондан эса, муайян чалкашликларга олиб келмоқда. Натижада идора ишлари, иш юритиш, ўқиш-ўқитиш жараёнида қийинчиликлар рўй бермоқда. Жумҳурият атамашунослик қўмитасига келаётган кўпдан-кўп хатлар ва истаклар шундан далолат беради.

Атамашунослик қўмитаси 21 май куни бўлиб ўтган мажлисида ана шу ҳолатни ҳисобга олиб, мазкур долзарб масалани муҳокама қилди. Атамашунослар кейинги пайтда талай ишларни бажарганлиги, жумладан, энг кўп ишлатиладиган сўзлар, атамалар рўйхатини тузиб, турли идораларга, жумладан, матбуот идораларига юборганлиги, бунинг натижасида жуда кўп ва фойдали фикрлар тўпланганлиги алоҳида қайд этилди.

Энг зарур деб ҳисобланган расмий идора атамаларидан 14 таси тасдиқланди. Шу тариқа бу атамалар ҳаётга йўлланма олди.

Атамалар хусусидаги фикрлашув ва мунозаралар давом эттиришга қарор берилди.

Атама луғатлари тузиш қонун-қоидалари, матбуотда ҳар хил қўлланилаётган атамаларни тартибга солиш йўллари, қўмита бўлимларида муҳокама этилган атама луғатларини нашрга тавсия этиш хусусида ҳам бир фикрга келинди.

Атамашунослик қўмитаси мажлисида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ў. Р. Умарбеков иштирок этди.

(ЎзТАГ).

• Журналист ва давр •

КАСБ БУРЧИ

Ҳамма жабҳаларда қайта қуриш, янгиланиш авж олаётган шу кунларда ўз касб-коримиз борасида қандай ўзгаришлар содир бўлаётир. Журналистларимиз замон олдинга сураётган муаммоларни, долзарб масалаларни англаб олиб, чуқур ёритаяптиларми? Бу ёритиш қай даражада бўляпти?

Эътироф этиш керакки, ўтмишнинг иллатлари, давр талабларига монанд иш тутмаётган ва иш тутаолмаётганлар ҳақида танқид кам, етарли эмас. Шу қисқа вақтда янгича ишлашга ўтиб, дурустгина ижобий натижаларга эришаётганларнинг ибратли тажрибаларини ёритишчи! Ушбу мақолада биз масаланинг ана шу жиҳатига эътиборни қаратмоқчимиз.

Хизмат вазифам тақозоси билан баъзи область ва районларда бўлиб, журналистлар билан суҳбатлашишга, уларнинг ишлари билан танишишга, газеталар таҳламларини кўздан кечиришга тўғри келди. Ана шулар натижасида туғилган айрим фикрлар, мулоҳазаларни ўртага ташламоқчиман.

«Бухоро ҳақиқати» газетаси диққатимизни кўпроқ тортди. Бу газета журналистлар коллективи замоннинг энг муҳим муаммоларидан бири — Озиқ-овқат программасини бажариш вазифаларини ёритишга кўпроқ эътибор бериб, тўғри иш қиляптилар. Бу оғир ва мураккаб вазифани амалда тезроқ бажаришнинг бирдан-бир йўли — хўжалик юритишнинг янги усул ва услубларини жорий этиш экани газетанинг деярли ҳар бир сонида ўз аксини топяпти. Ана шу мавзудаги материаллар сирасига оила, бригада, коллектив пудрати, ижара пудрати, фермер хўжалигини жорий этиш тажрибасига бағишланган «Озиқ-овқат конвейери муаммолари», «Деҳқон фермер хўжаликлари — муаммолар калити», «Ҳам хўжалик, ҳам оила манфаатдор», «Камол Рўзиевнинг фермер хўжалиги» сарлавҳали мақола, лавҳа ва репортажларни киритиш мумкин. Рўзиевнинг хўжалиги меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг янгича усулини тўла жорий этиш асосида ярим йилда пландаги 4 минг ўрнига 4186 килограмм гўшт етиштирди, 625 сўмдан сотиб олинган ҳар бош новвосни сўқимга боқиб, 1100 сўмдан сотди, ҳар бош новвос дастлаб 320 килограмм тош босган бўлса, гўштга топшириш арафасида оғирлиги 420 килограммга етган. Газета бунинг иқтисодий томонларини чуқур таҳлил қилиб, хўжалик ҳар бош қорамолдан 300 сўмдан соф фойда олганини, бунга қандай қилиб эришилгани тўғрисида ҳикоя қилади.

Умуман, газетада босилган материллардан Бухоро областида агросаноат соҳасида янгиланиш анча тез суръатлар билан амалга оширилаётганини, бу янгиликлар область меҳнаткашларининг кейинги икки-уч йилдан буён эришаётган ютуқларида катта аҳамият касб этаётганини яққол кўриш мумкин.

Газетанинг «Янгиланишнинг умидбахш илдизлари» сарлавҳали очеркида иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни бир-биридан ажратмай бир йўла янгичасига ҳал этишда намуна бўладиган фактлар, далиллар келтирилган. Ромитан районидаги «Зарафшон» колхозида агросаноат соҳасининг барча тармоқлари — чорвачилик, сабзавот, боғдорчилик, полизчилик ривож топаётгани, тўрта фермер хўжалиги иш юритаётгани, кўп юмушлар механизмлар ёрдамида бажарилаётгани, меҳнат унумдорлиги ошиб бораётгани, натижада мўл, сифатли ва арзон маҳсулотлар етиштирилаётгани ҳақида ҳикоя қилинади.

Хўжалик ана шу соҳалар бўйича маҳсулот етиштириш ва топшириш планларини мунтазам ошириб бажармоқда, йиллик даромад 5 миллион 110 минг сўмдан ошди, 998 минг сўм соф фойда олинди. Ҳар бир колхозчининг ўртача даромади 1,5 баравар кўпайди.

Матбуотда илгари кўпинча иқтисодиётда эришилган ютуқлар ҳақида гап бораётганида ана шу ютуқларни қайд этган ҳолда унинг ҳақиқий ижодкори — оддий меҳнаткаш инсонга ана шу ютуқларнинг шахсан ҳанчалик нафи тегаётгани жавобсиз қолдирилар эди. Хўжалик раҳбарларининг аксарият қисми мақолаларда ҳам фақат ана шу ишлаб чиқариш — иқтисодий ютуқларни таҳлил этиш билан чегараланиб қўя қолишар эди. Натижада масаланинг социал томони кейинга сурилиб, қолаверарди. «Ҳамма нарса инсон учун» деган шиор мазмуни ва моҳияти пучга чиқиб қоларди. Биз — журналистлар ҳам бунга холис хизмат қилиб «ҳисса» қўшардик.

«Бухоро ҳақиқати» газетасини варақлар эканмиз, ана шу фикрнинг аксини кўриш мумкин. Очеркда «Зарафшон» колхози қишлоқлари шаҳар тусини олиб бораётгани, асфальт кўчалар, маиший хизмат уйи, «Бахт уйи», кексалар чойхонаси, новвойхона, болалар боғчаси, мактаб, чорвадор-механизатор оромгоҳлари меҳнаткаш деҳқонга хизмат қилаётгани чуқур тасвирланган. Маҳсулотни қайта ишлаш корхоналари фермер хўжалиги иш юритаётгани, кўп юмушлар механизмлар ёрдамида бажарилаётгани, меҳнат унумдорлиги ошиб бораётгани, натижада мўл, сифатли ва арзон маҳсулотлар етиштирилаётгани ҳақида гап борганда, ҳамиша танқидий материалларни назарда тутиш одатга айланган. Буни шу борадаги вазифани бир ёқлама тушуниш деб баҳолаш ўринли. Ижобий мақоланинг, хусусан, илғор тажрибанинг натижаси учун ҳам курашмоқ керак.

«Бухоро ҳақиқати» газетасида Озиқ-овқат программасини бажариш мавзусига бағишланган яна икки муаммо диққатни тортади. Иккаласи ҳам шу областгагина тааллуқли бўлиб қолмай, бутун республикамизга ҳам дахлдордир. Биринчиси йилқичилик ва туячиликни тиклаш, ривожлантириш муаммоси. Пешку районидаги «Октябрь» колхозининг ферма мудири Ж. Мардонов газетада ана шу масалани кўпчилик муҳокамасига қўйиб, чорвачиликнинг Ўзбекистондаги бу анъанавий тури истиқболли, камхарж, кўп фойдали экани ҳақида ва кейинги йилларда бу соҳа унутиб юборилаётгани тўғрисида куюнчаклик билан сўз юритади.

Ҳақиқатан ҳам, ўтмишдаги йирик йилқичилик хўжаликлари, яйловларда уюр-уюр бўлиб юрган аргумоқлар қаёққа йўқолди? Тулпоруожийрон йўрғалар-чи? Ахир яқин-яқинларгача деҳқоннинг қўшда ҳам, сафарда ҳам оғирини енгил қилиб келган ана шу отлар эдику? Қассоблар нинг қанорларига осилиб турадиган ва халқимиз севиб истеъмол қиладиган тўйимли от гўштлари нега жуда тақчил бўлиб қолди? Бутун табобат тан олган қимизни эндиликда ҳеч қаердан топиб бўлмайди. Ўзбек йигитининг чавандозлик спорт ўйинларни бойитиш муаммолари чуқур далиллар билан олдинга сурилган. Бу ибратли, албатта.

Ўзбек миришкори қадимдан ижод этиб, етиштирган ширин-шакар мева-узум, қовунларнинг ноёб навлари кейинги йилларда камайиб кетмоқда. Ёки нави айниб, бузилиб қадимги мазасидан маҳрум этилмоқда. Бунга сабаб ҳам пахта яккаҳокимлиги натижаси бўляпти, деб айтишяпти. Эҳтимол бу тўғридир. Лекин мен бунинг асосий сабабини кўп жойларда мўл ҳосил олиш, тарозини оғир босадиган, планларнинг бажарилишини таъминлайдиган навларгагина зўр берилаётганидан деб биламан. Кейинги даврда айрим деҳқонлар меванинг мазаси-ю, инсонга берадиган нафи билан ишлари бўлмай кимёвий дориларни ишлатавериб, ҳам ерни, ҳам экинтикинни гиёҳванд қилиб қўйишди. Бундай ҳолатни республикадаги деярли барча колхоз ва совхозларда кўриш мумкин. Етилган ана шу муаммоларни матбуотда кўтариб, жамоатчилик фикр-эътиборини жалб этиш журналистларнинг бурчи эмасми? Бир қатор область ва район газеталарида шу мавзудаги материаллар ондасонда чиқяпти, ҳолос. «Бухоро ҳақиқати»нинг ўтган йил август ойи сонларидан бирида соҳа мутахассисининг «Бухоро қовунлари шуҳратини тиклайлик» деган таҳлилий мақоласи босилган. Унда гап Бўрикалла, Беҳзоди, Обиноввот, Кўкамири, Зармитон каби ширин-шакар қовунлар нави йўқолиб кетгани, уларни қайта тиклаш воситалари ҳақида боради. Худди шундай материаллар кам бўлсада «Хоразм ҳақиқати» газетасида ҳам бериб борилмоқда. Эндиги гап бу муҳим ишни изчиллик билан давом эттиришда.

Бундоқ ўйлаб кўрайлик: Хоразм қовуни деса фақат ўлкамиздагина эмас, бутун мамлакатда ҳам, жаҳонда ҳам оғзи сув очадиган кишилар кам бўлмаган. Ёзгиси—Гурвак, Қариқиз, Жийдаяпроқ, қишки навлари — Оқноввот, Мулласафо; Тўрқовун, Бешак каби пўстлоғигача асал бойлайдиган Хоразм қовунларини ҳозир шу областнинг ўзидан ҳам камдан-кам топасиз. Кейинги йилларда Тошкент ва Москва шаҳарларига келтириб сотилаётган Хоразм қовунлари воҳа деҳқонини уялтириб қўймоқда. Кўп асл навлар айниган, уларда ошқовоқнинг мазаси ҳам йўқ, десак лоф бўлмайди.

Хоразмлик матбуот ходимлари деҳқончиликнинг бу соҳасини тиклашда халққа яқиндан ёрдам беришлари лозим. Фақат лоқайд бўлмаслик, изчил иш юритиш керак. Ана шундагина халқ дастурхонида шу каби ноз-неъматларнинг мўл бўлишига журналистлар ҳам муносиб ҳисса қўшган бўладилар.

Тўлқин РУСТАМОВ.

Мавзуга қайтиб

● Рўзмат Ражабовнинг номи муштарийларимизга яхши таниш. У Хива районидаги Беруний номли жамоа хўжалиги раиси, яқинда Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига сайланди. Ўтган йил апрель ойида унинг рўзномамизда босилган «Сиз қанча ниҳол экдингиз?» сарлавҳали мақоласи юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси қарор қабул қилган эди. Мана шундан буён орадан бир йил ўтди. Ўтган вақт мобайнида қарорни рўёбга чиқариш борасида қандай ишлар амалга оширилди? Боғ яратиш, мўл ҳосил етиштириш йўналишида қандай янгиликлар юз берди? Р. РАЖАБОВ билан суҳбатимиз ана шу саволлардан бошланди.

КЕЛГУСИНИНГ БУГУНГИ ТАШВИШЛАРИ

— Ўзгаришлар кўп. Ҳаммаси хайрли. Энг асосийси, деҳқон елкасига кун тегди. Мен бу ўринда уларга бериладиган томорқа ери икки марта кенгайганлигини назарда тутаяпман. Республика партия-ҳукуматининг бу борадаги қарори кишиларимиз руҳини кўтарди, келгусига бўлган ишончни мустаҳкамлади. Ниҳоят. мазкур масалада раҳбарлар қўлоёғини етмиш йилдан буён боғлаб келган иплар ҳам узилди. Эндиликда томорқа ёки уй-жой учун ер сўраб келган деҳқон олдида қизариб ўтирмаймиз. Алмисоқдан қолган кўрсатмалардан қутулдик. Хўжалигимиздаги ҳар бир оила ҳам 25 сотихгача томорқа оляпти. Биз ўтган йил декабридаёқ 150 гектар экин майдонимизни уларга тақсимлаб бердик.

Маълумки, ўтган йил бошида бундай ўзгаришларни орзу қилишнинг ўзи амри маҳол эди. Шунга қарамай, биз пахта майдонларини қисқартириш ҳисобига боғ-роғлар, экинзорлар ташкил қилиш учун ерларни кенгайтиришга дадил киришган эдик. Бундан тўрт-беш йил муқаддам хўжалигимизда атиги 25 гектар боғ мавжуд бўлган. 1989 йилга келиб, у 85 гектарга етди. Ҳозир эса, юз гектардан ошди. Бу озми ёки кўпми? Бизнингча, камлик қилади. Шунинг учун тез орада боғларимиз саҳнини яна 50 гектарга кенгайтириш режасини тузганмиз. Сабзавот, полиз, картошка каби экинларни экишда ҳам тубдан бурилиш рўй берди. Мақсад топшириқларни ҳам бажарган ҳолда колхозчиларимизни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўла таъминлашдан, ортиқчасини бозорга сотишдан иборат.

— Вилоят миқёсидаги кўплаб йиғилиш, кенгашларда ҳам шу мақсадга қаратилган кўпдан-кўп қарорлар қабул қилинган, кўрсатмалар бериб келинган. Лекин улар ниҳоятда секинлик б лан рўёбга чиқарилянти. «Сиз қанча ниҳол экдингиз?» сарлавҳали мақолада қуйиниб ёзганингиздек, бозорларимиз ҳамон ёз ойларидан бошқа пайтлар тақчил, асосан бошқа вилоятлардан келтирилган мевалар ҳисобига тўлаяпти. Хоразмники кўринмайди.

— Афсуски, шундай. Ўнлаб йиллар мобайнида ҳукм сурган пахта якказироатчилигидан қутулиш осон кечмаяпти. Ўтган йили вилоятимизда 115 мингдан зиёд гектар ерга пахта экилган бир пайтда 5,5 минг гектар боғ-роғ мавжуд эди. Уларнинг ҳам атиги ярми ҳосил беради. Вилоятимизда бўлса, миллиондан ортиқ аҳоли яшайди. Етиштирилган ҳосилни жон бошига тақсимлаб кўрсак, ҳар бир кишига миллиграммдан тушади. Бунинг устига одамларнинг томорқасида ҳам мевали дарахтлар жуда кам қолган. Борларини шўр емиряпти, қурт кемиряпти. Шундай шароитда бозорларимиз қандай қилиб тўкин бўлсин? Шу боис биз Самарқанд, Сурхондарё ва бошқа жойлардан мева-чева келтириб сотаётган деҳқонларга раҳмат айтамиз. Улар бўлмаганда аҳвол янада мушкуллашиб кетган бўларди.

Ҳа, аҳвол оғир. Лекин бу ҳал этиб бўлмайдиган муаммо, дегани эмас. Бу йилги ўзгаришлар ҳам шундан умидвор этяпти. Вилоятимиз боғлари 1,5 минг гектарга кўпайиши лозим. Бу борада деҳқонлар билан бирга ижодкорлар, ижодий коллективларнинг баҳамжиҳат иш тутаётганлиги айниқса ибратга молик. Уларнинг жонкуярлиги туфайли Оғаҳий, Аваз Ўтар, Беруний номидаги, «Совет Ўзбекистони» газетаси, «Ёшлик» журнали боғлари бунёдга келди.

Равшанки, жамоа хўжалиги боғлари билан бир қаторда аҳолиники ҳам кўпайиши зарур. Бўлмаса, ҳар қандай эзгу мақсад, режа амалга ошмай қолаверади. Афсуски, вилоятимизда худди шу масаладаги ишлар кўнгилдагидай эмас. Аниқроғи, ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бу яхши эмас. Юқори идоралар аҳволни ўнглаш учун буйруқ, кўрсатма ва талаб эмас, аввало ўргатиш, шарт-шароит яратиш, айни чоғда жамоатчилик назоратини ўрнатиш зарурлигини унутиб қўйишяпти. Биз хўжалигимизда шу йўналишда иш тутяпмиз. Унга киришганимизга уч йил бўлди. Натижада ҳозирги пайтга келиб ҳар бир хонадонда камида ўн туп мевали ва манзарали дарахт бўлишига эришдик. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси қароридан кейин улар сони юз минг тупга кўпайди.

Албатта, бунинг учун самарали ташкилий ва маънавий тадбирларни уюштиришга тўғри келди. Ҳар қирқ оилага бир тажрибали боғбон биркитиб қўйилди. Улар кўчатни қандай экишни, парваришлашни, пайвандлашни ўргатиш билан бир қаторда назорат ишларини олиб боришди. Бунинг учун Исмоил Машарипов, Шарифбой Сайитметов, Бойжон Отажонов, Машарип Қаландаров каби ажойиб отахонларимизнинг беминнат меҳнатидан ҳамма миннатдор. Уларга ва кўп кўчат экиб, яхши парваришлаётган хонадон соҳибларига катта йиғинларда миннатдорчилик билдирдик, мукофотлар билан тақдирладик.

— Рўзмат ака, бу ишларнинг ҳаммаси таҳсинга лойиқ. Шоир айтганидай, умид билан суқилган таёқ, бир кун берар мева-ю яп-роқ. Боғлар мевага киргач, экинлар ҳосил бера бошлагач, уларни қайта ишлаш, сотишда қийинчилик туғилмайдими?

— Туғилиши турган гап. Тадбирли деҳқон эса, ҳар доим ёз ғамини қишда еган. Биз ҳам шу таҳлитда иш тутишга интиляпмиз. Ўтган йили 600 тонна маҳсулотни сақлаш имконини берадиган омборни ишга туширдик. Андижонлик дўстларимиз ҳар қандай маҳсулотни қайта ишлаб берувчи мосламани сотиб олишда кўмак беришди. Унинг тузилиши жуда оддий. КаМАЗ машинасига ўрнатилади. Ўн киши билан хоҳлаган миқдордаги мевани истаган жойда консервага айлантириш мумкин. Нархи ҳам қиммат эмас: 40 минг сўм. Хуллас у қулай, арзон. Ўтган йили тўлиқ ишлатмаган бўлсак-да харажатини қопладик ва ўн минг сўмга яқин фойда кўрдик. Энг муҳими қайта ишланган маҳсулотлар билан шифохонамизни, болалар боғчаларимизни бирмунча таъмин этдик. Бир қисмини Иркутсккa жўнатиб, ўрнига қурилиш материаллари олдик.

— Демак ишлар яхши боряпти. Режалар қандай?

— Баҳорги юмушлар кўнгилдагидай ўтяпти. Ниятимиз Хоразмда тобора йўқолиб бораётган ноёб мевазорларни тиклаш. Ҳозир 15 гектар майдонда нашвати анор, анжирзор, жийдазорлар барпо этилди. Аввало, уларни яхши парваришлаб, кейинги йилларда саҳнини кенгайтириб борамиз. Айни чоғда ҳудди шу каби меваларни хонадонларнинг ўзида етиштиришни таъминламоқчимиз.

Менинг назаримда вилоятимиздаги ҳар бир хўжаликда 100 гектар атрофида боғ бўлиши керак. Ана шунда Хоразм боғларининг аввалги шуҳратини тиклаш учун имконият яратилади. Орол бўйида яшаётган халқимиз учун бу ниҳоятда зарур. Депутат сифатида кучғайратимни шу масалани йўлга қўйишга кўпроқ сарф этмоқчиман.

А. ҚОРЖОВОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ХУШХАБАРЛАР

ҚУЛАЙЛИК

● Андижон вилояти Москва районидаги Шаҳрихон район марказида янги шаҳар телефон станцияси қуриб битказилди. Ихтисослаштирилган кўчма механизациялаштирилган колонна алоқачилари қурилмаларни ўрнатиш ва монтаж қилиш ишларини бошладилар. АТС абонентлар миқдорини 2 мингдан 6 мингга етказиш имконини беради. Шаҳрихондаги алоқа уйи випоятдаги алоқа уйларининг ўн биринчисидир. Пахтаобод ва Комсомолобод районларида яна иккита янги АТС қурилади.

ҲОВЛИ ТУЙЛАРИ

● Бекободлик цементчиларнинг эллиқдан зиёд оиласи янги квартираларга эга бўлишди. Уй Бекобод цемент комбинати олган даромад ҳисобидан қурилди. Беш йиллик бошидан буён корхонада уй-жой қуриш плани бир ярим баравар ошириб бажарилди. Даромад ҳисобидан физкультура-даволаш комплекси ва чойхона ҳам бунёд этиляпти, яқин орада эса болалар боғчаси қуриш мўлжалланган.

ЎЗИГА ХОС УСУЛ

● Ангрен шаҳар рўзномаси ва табиатни муҳофаза қилиш маҳаллий қўмитаси ходимлари Ангрендаги экология вазиятини бузувчиларга қарши курашнинг ўзига хос усулини топдилар. Энди ҳар ойда бир марта «Ангренская правда» саҳифаларида атроф-муҳитни булғаётган корхоналар ва ташкилотлар рўйхати эълон қилиб борилади. Бунда айбдорларнинг аниқ номларигина айтилиб қолмасдан, шу билан бирга ҳавога қанча зарарли чиқинди чиқариб юборилганлиги тўғрисидаги маълумотлар ҳам берилади.

ТАЖРИБА НАМУНАСИ

● Чирчиқдаги «Узбекхиммаш» заводида табобат кислородли бароаппаратининг янги тажриба намунаси тайёрланди. Уни «СредазНИИгидромаш» институти мутахассислари корхона конструкторлари билан биргаликда ишлаб чиқишди. Илгариги шундай аппаратлардан фарқ қилувчи янги барокамера фойдаланишда ишончли бўлиб, микропроцессорли автомат бошқарув системаси билан жиҳозланган.

(ЎзТАГ).

Олим муаммо қўяди

● Бугунги кунда мамлакатимизда вазият оғир. Эскиликлар емирилмоқда, янгилик қийинчилик билан қарор топмоқда. Тақчиллик, бозорнинг номутаносиблиги таъсир ўтказмоқда. Миллатлараро можаролар жамиятни ларзага солмоқда. Қайта қуришдаги кескинлик чўққига чиқди. Бардош берсак — довондан ўтамиз, бардош беришимиз лозим, орқага ва пастга қараб тушиб кетмаслигимиз керак.

ДЎСТЛИККА РАҲНА ТУШМАСИН

КАМИНА байналмилаллик туйғуларини яхши илғай олади ва ҳаёт йўлида бундай олий неъматни кўп бор синаб кўрганлардан. Ёшим саксонда. Буни таъкидлаш учун айтаётганим йўқ. Бировлар ҳозир «Ўтмиш ўз йўлига» дейдилар. Лекин сталинизм, турғунлик йилларини лаънатлаётган айрим кишилар у даврларнинг машаққатларини тўлалигича билмайдилар. Бир киши ёки бир неча кишининг хатоси — бутун совет фуқаросининг хатоси бўлолмайди-ку! Биз, кексалар ўтмиш хатолари учун ўзимизни бирваракай айбламаймиз. Чунки Ленин барпо қилган социалистик жамиятга кўпчилигимиз эътиқод билан хизмат қилдик. Бутун борлиғимизни, онг ва билимимизни шу жамият равнақи йўлида сарф этдик.

Ҳарқалай бизнинг давримизда кишилар бир-бирига оқибатли эди. Уруш бўлган жойлардан кўчириб келтирилганларни халқимиз нондек азиз кутиб олди. Уйининг тўрини, қалбининг қўрини, бисотида борини уларга улашди. Ўзи емаса емадики, уруш болаларини, мажруҳ ногиронларни сақлаб қолди. Озмунча озиқ-овқат, кийим-кечакни фронтга жўнатдикми?! Халқимиз ўзи абгор бўлса-да, ўзгаларни ўйлади.

1989 йилнинг июнь ойида Фарғона областида бўлган воқеа ва шу йилнинг февраль — март ойларида Тошкент области районларида юз берган тартибсизликлар чоғида ҳам шошилинч чора-тадбирлар кўрилди. Бугунги кунда республикамизда миллатлараро кескинликка олиб келадиган можароларга йўл қўймаслик учун барча ишлар қилинмоқда. Шунга қарамай, нега бундай хунук воқеалар барҳам топмаётир? Тўғрисини айтиш керак, менимча, СССР Олий Советининг месхети турклари муаммолари билан шуғулланувчи комиссияси иши зарур даражада олиб борилмаётир. Ахир, месхети турклари ҳам ўз она диёрларида яшашни истайдилар. Бу борадаги адолат, албатта, тикланиши керак.

Болалигим кечган пайтларда «ўзбеклар иши», «экстремистлар» сингари ўйламай оғизнинг бир четидан чиқиб кетаверадиган тамғалар йўқ эди. Қрим-татарларни ҳам, месхети турклари ҳам ва бошқа халқларни ҳам бағрига босган — мана шу ўзбек эмасмиди? Паноҳ берди, нон берди, «сен келгинди» дегани йўқ. Севимли ўзбек шоири Абдулла Ориповнинг таъбирича: «Пахтасини баҳам кўраётганини бутун жаҳон кўриб турибди... Оловини ҳам олиб борганини ҳамма билади-ку!».

Аммо бир нарсага ҳайронман. Пахта етиштирамиз-у, матомиз қиммат. Оловимиздан талай халқлар фойдаланади-ю, ўзимиз ҳалиям кўп жойларда тезак, ғўзапоя ёқамиз, кўмирни вақтида, ўз нархига ололмаймиз. Бу нимаси — «бўзчи белбоққа ёлчимагани» шуми? Шу боис бу соҳада Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессиясида дадил айтилган умидли гапларни маъқул кўраман.

Бугун биз қайта қуриш даври деяпмиз. Тўғри, балки унинг самараси кейинроқ яхшироқ билинар. Лекин ўтган 5 йил мобайнида қайта қуриш меваси кам бўлди. Магазинда гўшт, пишлоқ бемалол сотилганини кўрмаяпмиз. Халққа кўпроқ амалий иш керак.

Турғунлик йилларида Сариосиё районидаги Дазира чорвачилик комплекси бир йилда давлатга 500 тонна гўшт берар эди. Ишчиларнинг ўртача ойлиги 140—150 сўм эди. Ҳозир шу хўжалик давлатга йилига 250 тонна гўштни кам бериб, ишчиларнинг ойлиги эса 60-70 сўмга тушиб қолибди. Пахтакорнинг маоши оз. Шундай бўлгач, оиланинг аҳволи қандай кечади?

Халқ қуруқ гапларга, ваъдаларга ишонмай қўйди. Ишончсизлик эса ёмон оқибатларга олиб келяпти. Халқ билан партия ўртасида узилиш бўлмаслиги керак. Аммо баъзилар партия билетини топширяпти. Эътиқоднинг йўқолиши ўлим билан тенг. Партия билетини муқаддас билиб, уни топширишдек хавфли касалликнинг олдини олишимиз зарур. Мен севимли шоиримиз Абдулла Орипов ижоди дилга нақадар яқинлигидан яна унга мурожаат қилмоқчиман. У узоқни илғайдиган, эътиқоди мустаҳкам, фалсафий мушоҳадага бой, донишманд шоир. Унинг сатрларидаги оҳанг, ҳайқириқ, дилнинг қалб тўридан чиққан «инграш» дардида, миллатга шифокор табиб кераклиги ифода этилган. Инсон, Қалб, Миллат, Тил, Аждод, Башар, Она-Ватан сўзлари шеърда бош ҳарфда ишлатилгани, бу атамалар экологик қўриқхонага муҳтожлиги башорат қилинганидан далолатдир. Энди баъзи бировлар шунга ўхшаш гапларни гўё катта кашфиётдек тилга олмоқда. Бир сўз билан айтганда, Абдулла Орипов қайта қуришни 60-йиллардан бошлаган эди. Буни ҳамма билади ва шу сабабли ҳам шоирни ҳурматлаймиз.

Ҳар бир халқнинг миллий бойлиги бўлади. Ўзбек халқининг пахтаси — юзи, бу билан ўзбек пахтаси билангина фахрли эканда, демаслик лозим. Ўзбек қадим-қадимдан ширин-шакар меваси, шойи-атласи, хандон пистаси, жаҳонга машҳур Дашнобод, Қува анорлари, узуммайизлари, осмон ўпар тоғлари, мармарлари, ажойиб табиатли маскани — боғу роғлари, сахий кўллари, ҳазинага кон замини, энг муҳими, юқорида эслатганимиздек, меҳмоннавоз, меҳнаткаш халқи билан Мағрибдан-Машриққача танилган.

Ана шундай халқ кейинги вақтда меъёрсиз «кило», «центнер», «тонна», «миллион» ортидан қувавериб, мадори қуриди. Оналар ва болалар ҳолидан тағин ҳам кўпроқ хабар олишимиз керак. Айниқса, қишлоқларда моддий ва маданий-маърифий шарт-шароит деярли йўқлигини назарда тутиб, у ҳақда тинмай ғамхўрлик қилишимиз лозим. Деҳқонларимиз, эркакми, умуман, оғир ҳаётдан тезроқ олиб чиқишимиз, бу борадаги амалий ишларимизни ҳеч бўшаштирмай давом эттиришимиз зарур.

Дилимда туғилган муаммолар кўп. Уларнинг айримларини ўртоқлашдим, холос. Муаммолар ечилса у, албатта, халқ бахт-саодатига хизмат қилади.

Энг қудратли куч — дўстлик. Бизнинг ҳамжиҳатлигимизни ички душманлар ҳам, ёвуз фашистлар ҳам енга олмаган. Миллатлар ўртасидаги дўстлик ришталари маҳкам экан, давлатимиз ҳамиша қудратли бўлиб қолаверади. Иқтисодиётимизни тиклаш ўзимизга боғлиқ. Бу тадбиркорлик билан ҳал бўлади. Фақат қимматли дўстлигимизга раҳна тушмасин.

Ж. САИДОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, СССР Давлат мукофотининг лауреати.



Пилламиз — тилламиз

Мана жумҳуриятимизда кўпдан бери орзиқиб кутилган дамлар келди. Йилимизнинг дастлабки ҳосили—пилла терими давом этмоқда. Жанубий вилоятлардаги кўпгина хўжаликлар йиллик маррани эгаллаб, мажбурият ҳисобига хом ашё топширмоқдалар.

Ангор райони пиллакорлари ҳам зафар маррасини эгаллаш арафасида туришибди. Умуман, район бўйича 2,5 минг қути қурт уруғи меҳр билан парвариш қилинди. Пиллакорларнинг нияти—она-Ватанимизга 115 тонна хом ашё топшириб бериш. Бу ишда «Октябрь 50 йиллиги» ва К. Маркс номли колхозлар пешқадамлик қилмоқдалар. Айниқса «Октябрь 50 йиллиги» номли колхоз пиллакори Ҳайитмурод Расулов бошлиқ онла аъзолари бу борада кўпчиликка ибрат. Улар 2,5 қути қурт уруғидан 200 килограмм пилла топширишга аҳд қилишган. Карл Маркс номли колхоз аъзоси Бекмурод Алламуродов бошлиқ онла эса пландаги 105 килограмм ўрнига 152 килограмм «кумуш тола» топширди. Суратларда: 1. Ҳайитмурод Расулов онласи. 2. Район пиллачилик бошқармаси лаборанти С. Ғозиева. 3. Моҳир пиллакор Бекмурод Алламуродов.

В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

АХБОРОТ

ПАХТА ТОЗАЛОВЧИЛАР УЧУН

● Ҳазорасп даги пахта тозалаш заводининг даволанишга муҳтож ишчилари бундан буён стационарга ордер олиш учун умумий навбатда туришларининг ҳожати йўқ. Пахта тозаловчиларнинг ўзлари юқори сифатли толани сотишдан тушган даромад ҳисобига корхона ишлаб чиқариш цехлари ёнида янги шифохона корпусини қурдилар.

Район соғлиқни сақлаш бўлими янги даволаш муассасасини зарур табобат ускуналари билан жиҳозлашда, ходимларни жой-жойига қўйишда ёрдам берди. Доридармонлар билан таъминлаш, касалларни овқатлантириш, беморларни парваришлаш учун қилинадиган барча харажатларни завод ўз зиммасига олди.

Завод ҳузуридаги стационар — шу корхонага қарашли иккинчи табобат муассасасидир. Хушманзара «Тошлоқ» суғориш канали ёқасида заводга қарашли санаторий-профилакторий кўп йиллардан буён муваффақиятли ишлаб турибди. Бу ерда пахта тозаловчилардан ташқари хоразмлик боғбонлар ва чорвадорлар, қурувчилар ва мелиораторлар ўз саломатликларини мустаҳкамлаш имкониятига эгадирлар.

БЕПУЛ ЙЎЛЛАНМАЛАР БИЛАН

● «Ширмонбулоқ» Бутуниттифоқ саёҳат базаси эндиликда байналмилалчи жангчилар ихтиёрига бериб қўйилди. Асосан область қишлоқларида яшайдиган 264 нафар собиқ «афғончи» ҳордиқ чиқариб, ўз саломатлигини тиклаб олиши учун бу ерга бепул путёвкалар билан қабул қилинди.

Деҳқончилик-саноат комплекси ходимлари касаба уюшмалари область комитети, область комсомол комитети, байналмилалчи жангчилар область кенгаши ва «Андижантурист» саёҳат-экскурсия ишлаб чиқариш бирлашмаси бу хайрли ишнинг ташкилотчилари бўлишди. Улар байналмилалчи жангчиларнинг яхши дам олишлари учун шароит яратиб беришди, ҳар бири 88 сўм турадиган йўлланмалар ҳақининг ҳаммасини тўлашди.

Собиқ жангчилар даволанишдан ташқари «Шайтондара», «Сувғор», «Ширмонбулоқ чашмалари» каби хушманзара жойлар бўйлаб қизиқарли сафарларга чиқишади, шунингдек, автобусларда Фарғона, Наманган, Шоҳимардон, Советобод, қўшни Қирғизистон шаҳарларига экскурсияларга боришади.

(ЎзТАГ).

АРОСАТДА ҚОЛГАН ПОСЁЛКА

ИЛЬИЧ РАЙОНИ МАРКАЗИ — ПАХТАОБОД ПОСЁЛКАСИ АҲОЛИСИНИНГ ТУРМУШ ШАРОИТИ НОЧОР АҲВОЛДА

— Яшаш шароитимиз оғир. Ичимлик сувга зормиз. Тележкаларга ўрнатилган идишларда ташиб келтирилган сувни сотиб олиб ичамиз.

— Биз яшаётган икки қаватли уйларда на канализация ишлайди, на иситиш тармоқлари. Қишда ошхонадаги газ плитани ёқиб, совуқдан жон сақлаймиз.

— Билмадик, қачон сон киради бизнинг кўчага? «Ёзда чангга, қишда лойга беланамиз».

Ильич районн маркази — Пахтаобод посёлкасида истиқомат қилаётган кишиларнинг қайси биридан ҳол сўраманг, ҳасратидан чанг чиқиб, ана шундай надомат билан бор дардини тўкиб солади. Посёлканинг бунёд этилганига йигирма йилдан ошган бўлса, шундан буён аҳолининг фиғони фалакда. Уларнинг дардига қулоқ тутадиган раҳбар эса анқонинг уруғи.

Айниқса, Маданият кўчасида аҳвол ачинарли. Посёлканинг энг серқатнов, гавжум ҳисобланган бу кўчаси ўйдим-чуқур, пиёдалар учун йўлка йўқ. Ёғингарчилик пайтлари лойга ботасиз. Оқар сув йўқлиги туфайли, бу кўчада бирор туп ўсимлик ёки дарахт кўчатини учратиш амри-маҳол. Алишер Навоий номи билан аталувчи кўчани эса «кўча» дейишга ҳам тил бормайди, тор, ифлос.

— Ўқувчиларимиз мактабга шу йўлкасиз кўчалардан қатнашади. Бундай серқатнов йўлда кўнгилсиз ҳодиса рўй бериши мумкинлигини ўйлаб юрак ҳовучлаб юрамиз. Бу ҳақда район ва областдаги мутасадди раҳбарларга арз қилавериб чарчадик, — деб ҳасрат қилишади 14-мактаб ўқитувчилари.

— Посёлкада юқумли касалликларга чалинаётган кишилар камайиш ўрнига кўпайиб боряпти, — дейди афсусланиб, район табиатни муҳофаза қилиш идораси инспектори Н. Холбеков. — Бунинг асосий сабаби: ичимлик сувнинг етишмаслиги ҳамда кўча ва турар жойларда чиқинди халқоб сувга қоришиб ётганлигидир. Кўп йиллар мобайнида «чўл бўстон бўлди, қўриқдан дур ундирдик» дея қўлни кўксимизга уриб юрдик. Бироқ чўлга умрини бахшида этган танти кишилар «яшаш шароитимиз ёмон, уйимиз исмайди, ичимлик сув йўқ», дея нола қилганларида «шу ҳам камчиликми, ҳадемай ҳал этамиз», дея уларнинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдириб келдик. Пахтаободда шундай бўлди.

Қишлоқ билан шаҳар ўртасидаги тафовутни йўқотиш ҳақидаги баландпарвоз гаплар, қоғозларга битилган ҳадсиз тадбирлар, минбарлардан туриб айтилган қуюқ ваъдалар рўёбга чиқмай қолиб кетди. Энди бепарволик, субутсизлик билан ҳеч ким келиша олмайди. Қишда лой кечиб, ёзда чанг ютиб, қаҳратон совуқда уйида жунжиқиб, баъзида бир томчи сувга зор бўлиб яшаётган кишиларнинг арз-додларига бепарво бўлишга энди ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

— Маъсул мансабни эгаллаб туриб, баъзида кишилар ҳасратига малҳам бўлолмаётганлигимиздан ҳижолатдамиз, — деган эди район ижроия комитети раисининг қурилиш бўйича ўринбосари Я. Эшназаров бундан бир йил олдинги суҳбатда. — Начора, баъзи муаммоларни район миқёсида ҳал этиб бўлмайди. Дард бор-у дармон йўқ, истак бор-у имкон йўқ, деганларидек, кўпинча қўлимиз калталик қилиб қоляпти. Нафақат район марказида, балки хўжаликларда ҳам аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш, турар жой биноларини иситиш ночор аҳволда.

Аҳолининг салкам 60 фоизи водопровод сувидан фойдаланиш имкониятига эга эмас. Бу муаммоларга барҳам бериш учун Пахтаобод посёлкасида водопровод тармоқларига сув тарқатадиган янги иншоот барпо этиш зарур. Тегишли область ташкилотлари раҳбарлари ваъда беришяпти. Афсуски, ваъдалар ҳамон оғизда қолиб кетяпти. Район бош меъмори С. Абдураҳмонов бу ҳақда куюниб шундай дейди:

— Посёлка беш минг кишига мўлжаллаб бунёд этилган. Маданий-маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари ҳам шунга яраша. Айни пайтда посёлка аҳолиси 12 минг кишига кўпайди. Лекин социал соҳада аҳвол ўша-ўша. Маиший хизмат кўрсатиш соҳасида талаб бўйича 91 киши ишлаши керак, лекин бинолар етишмаслиги оқибатида 20 киши ишлаяпти, холос. Маданий хизмат кўрсатиш объектлари уч бараварга кам. Мактаб, болалар боғчалари етишмайди. Кўчаларда уюлиб ётган чиқиндиларни ташиб кетиш учун транспорт камчил. Посёлкани ободонлаштириш учун лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёр. Лекин район уй-жой хўжалиги бошқармаси, йўл қурилиш-ремонт участкасида маблағ йўқлиги сабабли режаларни рўёбга чиқаролмай аросатдамиз.

Хўш, улар «муаммоларни район миқёсида ҳал этиш қийин» деб аросатда юришган экан, область тегишли ташкилотлари-чи? Область агросаноат кооператив уюшмаси, уй-жой коммунал хўжалиги, маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси, йўл қурилиш-ремонт бошқармаси раҳбарлари Пахтаобод посёлкасига қачонгача ўгай кўз билан қарашади. Турмуш шароитлари ночорлигидан уззукун қийналиб яшаётган аҳоли қуруқ ваъда эмас, балки амалий иш кутади.

Э. МАВЛОНОВ,
«Совет Ўзбекистони» жамоатчи мухбири.

ХАЛҚЧИЛ ВА БАРҲАЁТ

Туркман диёрида Маҳтумқулихонлик кунлари

⊙ АШХОБОД. Мана, бир неча кундирки, Туркманистонда Шарқ шеъриятининг ёруғ юлдузларидан бири, улуғ файласуф-шоир хотирасига бағишланган Махтумқулихонлик давом этаётир. Хотира кунлари Эронинг Мозандарон вилоятида — Давлатмамед эшон (Озорий) ва унинг ўғли Маҳтумқули Фироғийнинг қабрларини зиёрат қилиш билан бошланди. Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби С. А. Ниёзов раҳбарлигида ёзувчилар, олимлар, жамоатчилик вакилларидан иборат бир гуруҳ зиёратчилар автобусларда СССР—Эрон чегарасидан ўтиб, улуғ шоир қабрини тавоф қилдилар. Унинг хотираси олдида бош эга туриб, халққа ва Ватанга ҳалол меҳнат қилишга, файласуф шоир тарғиб қилган энг эзгу туйғулар — дўстлик ва биродарликка, тенглик ва аҳилликкка содиқ яшашга аҳд қилдилар.

Маҳтумқулихонлик кунлари чегаранинг Совет тарафидаги Геркез қишлоғида — шоир мансуб бўлмиш гўкланлар уруғининг геркез тоифаси яшаётган маконда давом этиб, халқ сайиллари, байрам томошалари, мусобақа ва мушоиралар билан сайқалланди.

Туркман диёрида ўтаётган бу тантаналарда ТошДУ профессори Исо Жабборов раҳбарлигида ўзбекистонлик шоир ва санъаткорлар, Кенгесбой Раҳмонов бошчилигидаги қорақалпоғистонлик маданият вакиллари ҳам иштирок этмоқдалар. Куни кеча эса туркман вақтли матбуоти мазкур тантаналарда фаол хизмат қилаётган ўзбекистонлик машҳур қўшиқчи Бобомурод Ҳамдамовга «Туркманистон ССР халқ артисти» фахрий унвонини бериш ҳақидаги Туркманистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонини эълон қилди.

Туркманистоннинг барча шаҳар ва қишлоқларида, корхона ва ўқув юртларида муваффақият билан ўтаётган Махтумқулихонлик кунлари шоир ижодининг яшовчанлиги, бугунги кун учун бениҳоя зарурлиги, халқчил ва мангу барҳаёт шеърият эканлигини исбот қилмоқда.

М. АҲМЕДОВ.

ОРОЛ ЯШАШИ КЕРАК!

● Кенг кўламли меҳр-мурувват тадбирини Орол ва Оролбўйини қутқариш жамоатчилик комитети Узбекистон ССР Давлат телевидение ва радиоэшиттириш комитети билан биргаликда уюштирмоқда. Узбекистон ахборот агентлиги мухбири А. Баранов Орол комитетининг раиси, Қорақалпоғистон АССР халқ депутати, узлуксиз телекўрсатувни тайёрлаш ва ўтказиш ташкилот комитети раисининг ўринбосари П. ШЕРМУҲАМЕДОВдан ушбу кўрсатувнинг мақсадлари ҳамда вазифалари тўғрисида гапириб беришни илтимос қилди.

— Авваламбор, Орол теварагидаги бугунги аҳвол хусусида бир-икки оғиз гапириб берсангиз.

— Орол теварагидаги аҳволни фалокатли деган фақат битта сўз билан таърифлаш мумкин. Денгиз ҳақиқатан ҳам шитоб билан қуриб бормоқда, кейинги иккиуч йил ичида унинг сатҳи яна бир метр пасайди. Энди денгиз суви дастлабки белгига нисбатан 14 метр пасайиб кетганлиги маълум. Олимларнинг тахминларига кўра, келаси аср бошларидагина денгиз ҳавзаси иккига ажралиши керак эди. Лекин аччиқ ҳақиқат шундаки, бу воқеа шу кунларда содир бўлди!

Оролнинг қуриши маҳаллий экологик фалокатгина эмас, бу Ўрта Осиё-Қозоғистон минтақасидаги тангликнинг, миллионлаб кишилар ҳаётидаги фожианинг аянчли кўрсаткичидир. Бу ерда болалар ўлими мамлакат бўйича аянчли тарзда «рекорд» қўяётганлиги бежиз эмас, ахир. Соғлиқни муҳофаза қилишни мустаҳкамлаш йўлида кўрилаётган тадбирларга қарамай, минтақада касаллик йил сайин кўпайиб бормоқда. Ўтган йили аҳолини тиббий кўрикдан ўтказиш натижалари Оролбўйида соғлом кишилар амалда қолмаганлигини, минтақада яшаётган ўн кишининг тўққиз нафари даволанишга муҳтож эканлигини яна бир марта ишончли тарзда кўрсатди... Сўнгги маълумотларга қараганда, бепоён туз саҳроси, яъни қуриб қолган денгиз тубида пайдо бўлган ва кемирувчи ҳайвонлар ўзига макон қилиб олган Оролқум кўпгина касалликларнинг, шу жумладан, энг хавфли вабо касаллигининг қўшимча манбаига айланди.

Биринчидан, узлуксиз телекўрсатувимизнинг мақсади ана шунга асосланади: кўрсатув орқали минтақада ҳозир юзага келган ҳақиқий вазият хусусида одамларга холис ва иложи борича тўлароқ хабар қилишимиз, экологик офат рўй берган ерга кенг жамоатчилик эътиборини жалб этишимиз, бу ерда юзага келган муаммоларнинг қай даражада жиддийлигини кўрсатиб беришимиз керак.

— Менимча, одамларнинг мутлақо етарли даражада хабардор эмас. Гап шунчаки, эътиборни жалб қилишда эмас, балки бу ҳаракатлар янада фаол, ошкоралик эса амалий бўлишидадир.

Орол ҳақида кўп ёзаётганимиз, кўп гапираётганимиз тўғри. Лекин натижачи? Ҳозирча бу ердаги на экологик, на санитария, на ижтимоий-иқтисодий аҳвол ўзгаргани йўқ. Баъзи силжишлар эса фақат ёмонлик сари бўлди. Ҳақиқатан ҳам ниҳоятда муҳим ва керак бўлган қарорлар қабул этилди-ю лекин улар амал қилмаяпти. Шу жумладан, бурноғи йили партия-ҳукуматимиз қабул қилган 1100 рақамли қарор ҳам амалга ошмаяпти. Ушбу қарор бутун дунёда мисли кўрилмаган экологик аҳамиятга молик ҳужжат сифатида тавсифланган ҳамда ганди, ўтган бутун йил давомида эса Орол атиги 3,5 кубокилометр сув олди. Бинобарин, бу фақат Сирдарё суви эди — Амударё сувлари, аввалги ноҳуш йилларда бўлгани сингари, денгизга бориб етолмади. Бу йил, ҳали биз тилга олган қарор тўла кучга кирганидан кейин ҳам денгизга бир грамм дарё суви бормади, май ойи, аввалгидаги мавжуд маълумотлар ана шундан далолат беради.

Партия-ҳукуматнинг Орол денгизи атрофидаги аҳволни ҳар томонлама соғломлаштиришга қаратилган ниҳоятда муҳим ҳужжатидаги бошқа кўплаб бандлар ҳам кўнгилдагидек бажарилмаяпти. Биз ана шу қарорни бажариш учун масъул бўлган министрликлар ва идоралар раҳбарларининг фикрларини эшитиб турибмиз: уларнинг

Узбекистон телевидениесида 30 июнь — 1 июль кунлари ўтказиладиган 24 соатли узлуксиз телекўрсатувнинг шиори ана шундай

Орол бошига тушган фалокатдан хабардорлиги маъносида, уларнинг эътиборини қаратиш масаласида ҳеч қандай муаммо йўқ. Кейинги йиллар мобайнида Орол фожиаси ҳақида барча даражаларда баралла айтишмоқда ва ёзишмоқда. Сизнинг жамоатчилик комитетингиз ҳам айни ана шу ошкоралик тўлқинида туғилганини ҳам биламан. Умумиттифоқ даражасида ҳам, жумҳурият даражасида ҳам хилма-хил қарорлар қабул қилинди...

— Шундай бўлса ҳам, бизнинг ишончимиз комилки, Орол ва Оролбўйининг ҳақиқий ва ниҳоятда ташвишли тақдиридан — минтақадаги ишларнинг аҳволидан аҳоли ҳам, жамоатчилик ҳам Оролбўйидагилар уни ниҳоятда катта умид билан кутиб олишган эди.

Мазкур ҳужжатда, жумладан, Орол денгизига дарёдан бир йил мобайнида оқадиган сувнинг 8,7 кубокилометрини, албатта, ўтказиш кераклиги айтилади. Бир йил ичида 30 кубокилометрдан кўпроқ сувни буғлантирадиган денгиз учун бу жуда кам миқдор эканлигини очиқ-ойдин айтишимиз керак. Лекин шуни ҳам бирор киши бажармайдиганга ўхшайди. Бурноғи йили, қарор чиққунига қадар жамоатчиликнинг куч-ғайрати билан кўп йиллик танаффусдан сўнг денгизга Амударё ва Сирдарё сувининг 23 кубокилометрини оқизишга муваффақ бўлинкўпчилиги қарорни бажариш мумкин эмас, деб ҳисобламоқда. Шу боисдан ҳам ўз нуқтаи назарларида фойдасиз бўлган ишга беҳуда ҳаракат қилмоқчи эмаслар. Бўлажак узлуксиз телекўрсатув ўйготган жамоатчилик фикрининг фаол таъсирида баъзи раҳбарлар ўз фикрларини ўзгартиришларига мажбур бўлишларига, ўзларига топширилган ишни бажариш учун чинакамига киришишларига жуда-жуда умид қиламиз.

Биз узлуксиз телекўрсатувни ташкил этишдан кўзлаган иккинчи мақсадимиз шундан иборат: ҳайр-эҳсон ҳаракати натижасида маълум даражада маблағ ортирамиз. Улардан ниҳоятда ўткир, етилган ижтимоий масалаларни амалда ҳал этиш, Оролбўйидаги турмуш шароитларини ҳозирчалик бир оз бўлса-да енгиллатиш учун фойдаланмоқчимиз.

— Агар аниқроқ айтадиган бўлсак-чи? Бинобарин, бу вазифаларни ўша раҳбарлар, хўжалик ходимларисиз амалга ошириб бўлмайди...

— Аниқ айтадиган бўлсам, биз бўлажак узлуксиз телекўрсатувдан тушган барча пулларни Оролбўйи аҳолисини ичимлик сув билан таъминлаш учун фойдаланиш ниятидамиз. Ҳозир ушбу муаммо Оролбўйида ҳам билвосита, ҳам бевосита маънода ниҳоятда қалтис бўлиб турибди. Шаҳарлар ва овулларда ичимлик сув мутлақо етишмайди, унинг сифати ҳатто оддий тиббий талабларга мутлақо жавоб бермайди...

Албатта, қишлоқ жойларидаги аҳвол, айниқса, ёмон. Шаҳарларда ҳозир қурилаётган сув қувурлари ҳисобига ичимлик сув билан таъминлашни яхшилашга ҳар ҳолда умид бор, лекин Оролбўйи қишлоқ аҳолиси — улар эса юз минглаб кишини ташкил этади — ўз истиқболини амалда кўролмаяпти. Уларга ёрдам бериш зарур. Узлуксиз телекўрсатув чоғида тушган пулларга сув қувурлари ётқизиш учун ускуналар, сувни чучуклаштирадиган қурилмалар сотиб оламиз. Ниятимиз ҳар бир оилани ичимлик сувидан баҳраманд этишдир.

Пулларни қандай сарфлашга келганда эса, бизнинг тажрибамиз бор. Сиз биласиз, «Орол жамғармаси» — Орол денгизи ва Оролбўйини қутқариш учун фуқаролардан кўнгилли равишда тушган ҳайрия жамғармаси бир неча йилдан бери ишламоқда. Нисбатан унча кўп бўлмаган ана шу даврда бундай хайриялар, меҳнат коллективларидан тушган пуллар беш миллион сўмга яқинлашиб қолди. Ҳозир бу пуллар Чимбой районида 200 ўринли болалар соғломлаштириш комплексини бунёд этишга берилди... Хўжалик ходимлари пулларимизни олишдан бош тортмаяптилар — бу пуллар ҳозирги вақтда ана шундай хайрли ишлар учун ниҳоятда зарур.

Шундай қилиб, бизнинг кўнгилли хайрия ҳисоб дафтарчамиз «ОРОЛ ЯШАШИ КЕРАК!» деб аталган бўлажак узлуксиз телекўрсатувнинг хайрия ҳисоб дафтар часига айланмоқда. **Ҳоҳлаган кишилар СССР Ўй-жой-ижтимоий банкининг Тошкент шаҳар Киров район бўлимида очилган 001700403 рақамли ҳисоб дафтарчасига ўтказишлари мумкин. Код 734321.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ДАВЛАТ СУҒУРТАСИ— ОҒИРИНГИЗНИ ЕНГИЛ ҚИЛАДИ!

АВТОМОБИЛЬ — КЎПДАН БУЁН КЎНГЛИНГИЗ ҚАТИДА АРДОҚЛАБ КЕЛГАН ОРЗУИНГИЗ ЭДИ. БУ ОРЗУ РЎЁБГА ЧИҚАР ЭКАН, ЭНГ АВВАЛО, ҲАР ҚАНДАЙ ЙЎЛЛАРДА ЮЗ БЕРИШИ МУМКИН БЎЛГАН КЎНГИЛСИЗ ТАСОДИФЛАРДАН МАШИНАНИ ВА ЎЗ ҲАЁТИНГИЗНИ СУҒУРТА ҚИЛДИРИБ ҚЎЙИШНИ УНУТМАНГ.

Ана шундай кутилмаган йўл ҳодисалари туфайли юзага келган барча ҳолатларда Сиз бемалол Давлат суғурта органларига таянишингиз мумкин.

АВТОТРАНСПОРТИНГИЗНИНГ ИККИ ТУРДА «АВТО-КАСКО» ВА «АВТО-КОМБИ» ВАРИАНТЛАРИДА СУҒУРТА ҚИЛДИРИШНИ ТАВСИЯ ЭТАМИЗ.

Улардан ҳар бирининг қандай афзалликлари бор?

«АВТО-КАСКО» қоидаларига кўра авария, ёнғин, ҳайдаб қочганлик, табиий офат туфайли автомобилингизга етказилган зиён ўрни қопланади. Шартнома 2 ойдан 12 ойгача муҳлатга тузилади. Бу ҳолда суғурта тўловлари миқдори Сизнинг хоҳишингизга кўра, бироқ автомобилнинг ишлатилганлигини ҳисобга олган ҳолда, 1, 5 фоизлик тариф бўйича тўлаш билан унинг ҳақиқий қиймати миқдорида белгиланади.

«АВТО- КОМБИ» қоидаларига кўра, автомобиль ва унинг ҳайдовчиси (суғурта қилдирувчи), шунингдек багаж бир вақтнинг ўзида суғурта қилинган ҳисобланади. Бундай суғурта шартномаси авария ёки шикастланиш оқибатида автомобилнинг айрим қисмлари ва деталларига, багаж ва қўшимча ускуналарига етказилган зиён ўрни қопланишини кафолатлайди.

Шартнома тузишда суғурта пули 1 фоизлик ва 2 фоизлик тариф бўйича тўловлар тўлаш билан автомобилнинг ҳақиқий қиймати ҳажмида белгиланиши шарт ҳисобланади.

Турар жойингиз ёки ишхонангизга хизмат кўрсатувчи Давлат суғурта инспекциясига мурожаат қилсангиз, бу турдаги суғурта шартлари билан тўлиқ танишиб оласиз.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ СУҒУРТА ИДОРАСИ, «СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

ТАДБИРКОРЛИККА МУКОФОТ

● Муборак газни қайта ишлаш заводида жорий этилган технология муаллифларига табиатни муҳофаза қилиш жамиятининг ёрлиғи ва пул мукофоти берилди. Бу технология ёрдамида олтингугуртли бирикмаларнинг ҳавога чиқариб юборилишини камайтиришга муваффақ бўлинди. Энди таркибида олтингугурт миқдори кам бўлган газлар тўпланиб, улардан тақчил олтингугурт олиняпти. Технологияни «СредазНИИГипрогаз» ва Муборак газни қайта ишлаш заводи мутахассислари ишлаб чиқишган.

ОТАЛИҚ

● Сирдарё рефрижератор депосининг ходимлари ўз даромадларининг 15 минг сўмдан кўпроқ қисмини «Ленинград» совхозидаги болалар уйи ҳисобига ўтказдилар. Шу маблағнинг ярми телевизорлар, радиоаппаратлар, спорт анжомлари сотиб олишга сарфланди. Депо меҳнат коллективи кенгашининг қарорига биноан энди темирйўлчилар болалар уйини ўз оталиқларига оладилар.

(ЎзТАГ).

Улуғ Ватан уруши иштирокчиси Домлажон ота Ортиқовни кўпинча ёшлар, мактаб ўқувчилари орасида учратамиз.

Суратда: Домлажон ота Ортиқов Андижондаги 37-мактаб ўқувчилари билан суҳбатлашмоқда.

Р. АШУРОВ сурати (ЎзТАГ).

• *Шахмат оламида* •

МАҲОРАТ БАШОРАТНИ ТАСДИҚЛАДИ

Куррамизнинг забардаст икки шахматчиси, совет гроссмейстерлари Гарри Каспаров билан Анатолий Карпов ўртасида Испаниянинг Севилья шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон биринчилиги тугагач, ҳар хил фикрлар бўлган. Шунда кўплаб мутахассислар қатори мен ҳам тож учун уч йилдан сўнг бўладиган курашда бешинчи марта яна Каспаровнинг ҳарифи Карпов бўлса керак, деб башорат қилишга журъат этгандим. Худди шундай бўлди.

Хўш, 40 ёшга бориб қолган Анатолий Карпов қай йўсинда бунга муваффақ бўлди? Салкам уч йил давом этган саралаш мусобақалари оқибатида «тегирмон»дан бутун чиққан А. Карпов билан голландиялик машҳур гроссмейстер Я. Тимман бўлди. Тож талабгорларининг ҳал қилувчи баҳси учун узоқ Малайзия танланди. Бунинг муайян сабаблари бор, албатта.

Маълумки, шахматнинг ватани — Шарқ. Дастлабки шатранж қўлланмалари-ю ҳозиргача ҳам ўз қимматини сақлаб келаётган ажойиб рисолалар шу ерда, чунончи, биринчи олимлар, ҳозирги тилда айтганда гроссмейстерлар Ўрта Осиёда етишиб чиққан. Бинобарин шатранж — шахмат ўрта осиёликларнинг чинакам миллий ўйинидир. Демак, унинг дунё миқёсида тан олинганлигидан фахрланамиз, албатта.

Кейинги йилларда шахмат кенг маънода ўз ватанига қайтиб келаётгандек бўляпти. Осиё мамлакатларида биринкетин улкан халқаро турнирлар, жаҳон биринчиликлари ва ҳатто Олимпиада ўйинлари ўтказилди. Малайзияликларнинг таклифи қондирилганлигининг сабабларидан бири ҳам ана шунда.

Карпов билан Тимман тенгдош. Умумий натижаси, каромат қилиш қийин бўлса-да тарозининг Карпов турган томони салмоқлироқ экани маълум эди. Умуман олганда Ян Тимман ижоди ҳақида Анатолий Карпов ҳамма вақт яхши фикрлар айтиб келган. Чунончи, 1978 йили Филлиппинда ўтказилган жаҳон биринчилигида, сўнгра 1981 йили Италиядаги навбатдаги ана шундай баҳсда Виктор Корчной устидан ғалаба қозониб, жаҳоннинг уч карра чемпиони деган даражага кўтарилган А. Карпов: «Корчнойни юта оладиган мендан бўлак шахматчи ҳам бор. Чунончи, Ян Тимман», деган эди.

Малайзиядаги жанг шиддатли бошланди. Низомга кўра ҳарифлар ўзаро 12 партия ўйнашлари керак эди. Шундан камида 6,5 очко олган томон Гарри Каспаров билан яккама-якка баҳс юритиш ҳуқуқини қўлга киритарди. Масъулиятни юксак даражада ҳис қила олувчи, кўпни кўрган бу икки гроссмейстернинг бор кучини, бор имкониятини ишга солишдан ўзга чораси йўқ эди. Зеро, бундан кейин тож учун курашиш уларга тобора қийинлашиб бориши муқаррар.

Дастлабки уч учрашувдан кейиноқ устунлик Карпов томонга ўтди. 7 учрашувдан сўнг эса ҳисоб собиқ жаҳон чемпионининг фойдасига 4,5:2,5 га етди. 8-партияда Тимман қанчалик чиранмасин ўзини мағлубиятдан четга олиб қочолмади — 5,5:2,5.

Энди қолган 4 партияда Карпов 1 очко олса кифоя. Худди шундай бўлди. Бунинг учун навбатдаги учрашувнинг ўзи етарли бўлиб чиқди. Шундай қилиб, баҳс 6,5:2,5 ҳисобида муддатидан илгари Карповнинг ғалабаси билан якунланди.

Энди кенг миқёсда бўлмасада бўлажак баҳс иштирокчиларини таққослаб кўрайлик. Бунинг учун кейинги бир йил атрофида кечган воқеаларнинг баъзиларига тўхтаб ўтсак. Шахмат бўйича биринчи жаҳон кубогининг бешинчи босқич турнири Голландиянинг Роттердам шаҳрида ўйналди. Унинг дастлабки тўрт учрашувида битта ҳам ўйинни бой бермай, карвонбошилик қилиб турган жаҳон экс-чемпиони А. Карпов кутилмаганда устма-уст кейинги уч учрашувни бой бериб қўйди. Айб ўзида эканлигига иқрор бўлди. Каспаровдан ўзиб кетаман деб... нақд очколардан ажради ва иккинчи ўрин билан кифояланди.

Кубок мусобақаларининг якунловчи олтинчи босқичи Швецияда ўтказилди, унда кубокни олишга асосий талабгорлар Г. Каспаров билан А. Карпов ҳам қатнашди. Дастлабки беш босқич якунига кўра жаҳон чемпиони анча олдинда бўлиб, Карповнинг вазифаси оғирроқ эди.

Каспаров пешқадамлик қилиб борар, Карпов эса уни таъқиб этишда давом этарди. Охирги учрашув олдидан жаҳон чемпиони рақобатчисидан ярим очко ўзиб кетган эди. Лекин якунловчи 16-учрашувда Каспаров дурангга эришган бўлса, Карпов икки кунлик қаттиқ курашлардан сўнг швециялик «оғир карвон» рақиби Андерсонни мағлуб этиб, Каспаровга етиб олди. Натижада улар биринчи ва иккинчи ўринларни ўзаро баҳам кўрдилар.

Бироқ низомда кўрсатилган шартларга кўра 4 босқичнинг ўртасида юқорироқ натижага эга бўлган Каспаров жаҳон чемпиони унвонига жаҳон кубоги эгаси, деган номни ҳам кўшиб олди.

Муҳтасар сўз шуки, ҳозирча бу икки забардаст гроссмейстерга ҳар жиҳатдан бас кела оладиган шахматчи сайёрамизда топилганича йўқ. Каспаров билан Карпов учрашувларининг умумий ҳисобида фарқнинг жуда озлиги, биргалашиб ўйнаган турнирларда улар кўпинча тенг натижа кўрсатиши бир-бирига муносиб ҳарйф эканликларидан далолатдир. Лекин бир нарсани ҳам назардан қолдирмаслик керак. Гарри Каспаров 27 ёшда бўлиб маҳорати йилдан-йилга юксалиб, ажиб ижод қирралари тобора яркираб бормоқда. 39 ёшли А. Карпов ижоди ҳақида худди шундай гапни айтиш қийин. Шахматчининг мураккаб вариантларни ҳисоблаш қобилияти ёшроқ чоғида ўткирроқ бўлиши тажрибадан аён. Карповнинг ҳам рақибидан афзаллиги йўқ эмас. Шахмат тахтасида юзага келувчи турли-туман позицияларга баҳо беришда катта тажрибаси унга қўл келиши турган гап.

М. МУҲИДДИНОВ,
халқаро арбитр.

«Совет Ўзбекистони»нинг навбатдаги сони 26 майда чиқади.

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

СССР прокуратурасида

● ССР Иттифоқи прокуратурасининг коллегияси СССР Бош прокурори А. Я. Сухарев раислигида мамлакатда аҳолининг саломатлиги ва атроф-муҳит учун зарарли саноат ҳамда рўзғор чиқитларидан фойдаланиш, уларни зарарсизлантириш ва кўмиб ташлаш ишларини тартибга солиб турадиган қонунлар қонунқарсиз бажарилаётганлиги тўғрисидаги масалани муҳокама қилди.

Таъкидлаб ўтилдики, кўпгина СССР министрликлари ва идоралари, иттифоқдош жумҳуриятларнинг вазирлар Кенгашлари, халқ депутатлари маҳаллий Шўролари ва уларнинг ижроия қўмиталари, корхоналар ва ташкилотчилар табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларни кўпинча бузмоқдалар, ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқитларидан фойдаланиш ҳамда улардан жамият учун фойдали буюмлар ишлаб чиқариш, корхоналарда ҳосил бўладиган заҳарли чиқитлардан ўз вақтида фойдаланиш, уларни зарарсизлантириш ва кўмиб ташлаш, ресурсларни тежайдиган, кам чиқитли ва чиқитсиз технологияларни жорий этиш даражасини оширишга доир зарур чораларни кўрмаяптилар. Табиатни муҳофаза қилиш идоралари ҳам бу соҳада тартиб ўрнатиш учун ўз ваколатларидан тўла фойдаланмаётирлар.

Асосан химия, нефть химияси ва электрон саноати, қора ва рангли металлургия, машинасозлик корхоналарида ва халқ хўжалигининг баъзи бошқа тармоқларида ҳосил бўладиган заҳарли саноат чиқитлари одамларнинг саломатлиги ва атроф-муҳит учун энг катта хавф солиши таъкидлаб ўтилди. Рўзғор чиқитларидан фойдаланиш ва уларни кўмиб ташлаш муаммоси ўткирлигича қолмоқда. Ҳар йили 56 миллион тоннага яқин ана шундай чиқит пайдо бўлади. Уларнинг деярли ҳаммаси қайта ишланмай, ахлат тўкиш жойларига олиб бориб ташланмоқда, бундай жойлар эса кўпинча оддий санитария талабларига жавоб бермайди, юқумли касалликлар ва ёнғин чиқиши манбаидир.

Коллегия бу муаммога дахлдор бир қанча министрликлар ва идоралар, назорат идоралари раҳбар ва масъул ходимларининг изоҳларини тинглади, атроф-муҳитни заҳарли, радиоактив чиқитлар ҳамда одамларнинг ҳаёти ва саломатлиги учун хавфли бошқа чиқитлар билан булғатишга дахлдор қонунларни бузишга прокурорлик назорати воситалари билан хотима бериш ва олдини олиш хусусида қўшимча тадбирларни тасдиқлади.

ССР Бош прокурори ўзига бўйсунувчи прокурорлар зиммасига шу масала юзасидан жойларда юз берган аҳволни текшириб, айбдорларни жавобгарликка тортиш учун зарур чоралар кўришни юклади. Прокурор ҳаракатларининг барча воситаларидан фойдаланишга, хусусан, табиатга, иқтисодиётга ва инсонга етказилган зарарни гражданлик ва жиноий-ҳуқуқий таъсир воситаларини қўлланиб сўзсиз қоплашни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 25/V да **Спартак**, 27/V да **Аида** (18.00).

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 25/V да **Хотинимнинг эри**, 26/V да **Табассум оқшоми**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/V да **Зиёфат**, 25/V да **Фармонбиби аразлади**.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ПРЕЗИДИУМИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Биохимия институти директори бўш лавозимига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИГА ЭГА БЎЛГАН ШАХСЛАР КОНКУРСДА ИШТИРОК ЭТИШЛАРИ МУМКИН.

Конкурс қатнашчилари қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар: кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, 4 та фотосурат, таржимаи ҳоли, ўқув юртини битирганлиги ва илмий даража берилганлиги тўғрисидаги дипломларнинг нусҳалари, меҳнат жамоаси ёки бошқа орган, ташкилот томонидан номзоди кўрсатилганлиги тўғрисидаги қайднома.

Номзод кўрсатиш ҳуқуқи Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Президиуми ва Биология фанлари бўлими, бошқа илмий муассасалар ва олий ўқув юртларининг илмий кенгашлари, жамиятлар ва уюшмаларнинг ваколат доирасига киради.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилсин, 700000, Тошкент шаҳри, ГСП, Гоголь кўчаси, 70-уй, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Президиуми, Биология фанлари бўлими, телефон 33-32-83.

«Чўлпон» нашриёти жамоаси нашриёт ходими Ф. Ражабовага умр йўлдоши
Абдували ТОШПУЛАТОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент «Компрессор» заводи жамоаси завод АТСи бошлиғи Ҳ. Умаровга онаси
Бунисе УМАРОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги жамоаси энергетика ва алоқа бошқармасининг бошлиғи Ш. Ш. Шоисмоиловга опаси
Башорат ШОРАҲИМОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат медицина институти гистология кафедраси ва илмий лабораторияси жамоалари катта илмий ходим З. З. Саъдуллаевга отаси
Зайниддин САЪДУЛЛАЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р — 04567. № 118. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12